O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 27-sentabr • Shanba • 119-120 (27.925) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Ўзбекистон Миллий университети қарийб бир асрлик тарихимиз давомида илму фан, таълим-тарбия ва маърифат бешиги бўлиб, бугун мамлакатимизда тобора юксалиб бораётган олий ўқув юртларига етакчи бўлиб, раҳнамо бўлиб келган ва сиз, азизлар бундан кейин ҳам бундай масъулиятли вазифани шараф билан адо этасизлар, деб ишонаман».

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ТАЛАБАЛАРИГА, БУТУН ЖАМОАСИГА

Қадрли дўстлар!

Аввалambор, сиз, азизларни мамлакатимизда ва бутун Ўрта Осиё минтақасида энг нуфузли ва етакчи олий ўқув юртларидан бири бўлган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ташкил топганига 90 йил тўлиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ўзбекистон Миллий университетининг Ватанимиз тарихи ва тараққиётидаги алоҳида ўрни ва мавқеини, унинг нафақат республикамизда, балки минтақамизда ҳам биринчи замонавий олий таълим муассасаси сифатидаги беқиёс аҳамиятини халқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Бу мўътабар олий ўқув даргоҳининг ўтган асрнинг 18-йилида «Туркистон мусулмонлари халқ дорилфунуни», 20-йилда «Туркистон давлат университети», 23-йилда «Ўрта Осиё давлат университети», 60-йилга келиб «Тошкент давлат университети» деб аталгани ва ниҳоят, 2000 йили «Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети» деган юксак ном олгани унинг узоқ ва давомли, шу билан бирга, шарафли тарихий йўлни босиб ўтганидан далолат беради.

Ҳеч шубҳасиз, бу ўз навбатида университетнинг ҳаёти Ўзбекистон ҳаёти билан узлуксиз ва чамбарчас боғланиб кетганини, Ватанимиз қандай машаққатли ўсиш ва юксалиш жараёнларини бошидан кечирган бўлса, уларнинг барчаси ушбу билим даргоҳи тимсолида акс этганини кўрсатади ва бу бетакрор фан ўчоғи, таълим масканига нисбатан чуқур ҳурмат ва эҳтиром уйғотади.

Бугун университетнинг қутлуғ тўйини кенг нишонлар эканмиз, унинг узоқ йиллар мобайнида юртимиз ва қўшни давлатларни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, Ўрта Осиёдаги кўплаб олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларини шакллантиришга қўшган улкан ҳиссаси, ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги барча университетлар учун ҳар томонлама таянч маскани бўлиб келаётганини таъкидлашимиз табиийдир.

Мана шундай қувончли кунда барчамиз бундан 90 йил муқаддам, ўта оғир, қалтис ва мураккаб бир даврда университетнинг тамал тошини қўйган буюк маърифатпарвар боболаримизнинг муборак номларини миннатдорлик билан эсга оламиз, уларнинг маънавий жасорати, руҳи поклари олдида бош эгиб таъзим қиламиз.

Миллий университетимизни бугунги юксак даражага кўтаришда катта хизмат қилган атоқли илм-фан намояндаларининг, миллионлаб ёшларга таълим ва инсонийлик сабоғини берган заҳматкаш устозларнинг хотирасини ҳурмат ва эҳтиром билан ёд этамиз.

Ҳозирги кунда ҳаётимизнинг қайси соҳаси ва тармоғини олмайлик – бу давлат ва жамият қурилиши ёки иқтисодиёт бўладими, илм-фан ёки маданият ривожи бўладими — буларнинг барчасида мана шу олий ўқув юртида камолга етган минг-минглаб инсонлар ўзининг фидокорона меҳнати билан мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётганини кўпкўп мисолларда яққол кўриш мумкин.

Бу ерда фаннинг муҳим соҳалари, хусусан, математика, физика, биология, кимё, геология ва бошқа замонавий тармоқлар бўйича шаклланган илмий мактабларнинг фаолияти халқаро илмий жамоатчилик томонидан кенг эътироф этилгани ва бундай изланишлар бугун ҳам изчил давом эттирилаётгани айниқса эътиборга сазовордир.

Кейинги йилларда бу масканда бугунги тараққиётимиз учун устувор аҳамиятга эга бўлган биоинформатика, генетика, ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер лингвистикаси, экология, социология, сиёсатшунослик каби бир қанча янги йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилгани университетнинг салоҳият ва имкониятлари тобора юксалиб бораётганини кўрсатади.

Бугун Ватанимиз олдида турган ҳеч кимдан кам бўлмайдиган озод ва обод, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш билан боғлиқ устувор масалани ҳал этишга қодир бўлган янги авлодни тарбиялашда Миллий университетимизнинг зиммасига юклатилган вазифа нақадар масъулиятли эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши англаймиз.

Миқёси ва аҳамиятини ўлчаш қийин бўлган бундай юксак мақсадларни амалга ошириш барчамиз, аввалambор, университет раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар, талаба ёшлар, унинг кўпмиллатли жамоаси олдига, табиийки, ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўяди. Бу борада давлатимиз ва жамиятимиз ёрдамига суяниб, университетнинг ўқув ва илмий салоҳиятини, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг замон талаб қиладиган стандарт ва андозаларга жавоб беришига эришиш, Талабалар шаҳарчасини янада обод этиш, ёшларнинг билим ва таълим олиши, маънавий юксалиши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун барча шароитларни яратиб бериш алоҳида аҳамият касб этади.

Шу ўринда бугунги давр билан ҳамоҳанг бўлиб яшаш, доимо янгиликка интилиш, тараққий топган давлатлардаги олий ўқув юртлари ва халқаро илмий марказлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш биз ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадларга эришишда ишончли замин бўлади, деб умид қиламан.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларнинг олдингизда турган яна бир муҳим вазифани унутмасликка барчангизни даъват этмоқчиман: Ўзбекистон Миллий университети қарийб бир асрлик тарихимиз давомида илму фан, таълим-тарбия ва маърифат бешиги бўлиб, бугун мамлакатимизда тобора юксалиб бораётган олий ўқув юртларига етакчи бўлиб, раҳнамо бўлиб келган ва сиз, азизлар бундан кейин ҳам бундай масъулиятли вазифани шараф билан адо этасизлар, деб ишонаман.

Сизларни, сизлар орқали бутун юртимиз маърифат аҳлини бугунги қутлуғ сана билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, ишларингизда янги-янги муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР, ИЛМИЙ ХОДИМЛАР ВА ТАЛАБАЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш, халқимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини муваффақиятли амалга ошириш, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, юқори малакали замонавий мутахассислар тайёрлаш ишига қўшаётган салмоқли ҳиссаси ҳамда илмий-тадқиқот ва педагогика соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Бобоев Туйғун Мирзааҳмедович — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети полимерлар кимёси кафедраси профессори

Норқулов Неъмат — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети физикавий электроника кафедраси мудири

Давоми 2-бетда





Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2008 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 1 октябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаати инобатга олинсин ҳамда мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 26 сентябрь

Депутатлик гуруҳлари фаолияти ҳақида

ТАШАББУСЛАР

электорат манфаатига хизмат қилиши керак

Бугунги кунда Ўзбекистон ХДПнинг халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашида 29, вилоятнинг шаҳар ва туман Кенгашларида 196 нафар депутатлари фаолият юритмоқда. Улар амалга ошираётган кўпгина ишлар, маҳаллий Кенгашлар сессиялари муҳокамасига киритилаётган масалалар бевосита партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида дастлаб «2008-2009 йилги кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишларида депутатларнинг иштироки тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.

2-бет

Фахр

МЕНИНГ УНИВЕРСИТЕТИМ

Турли даврларда бахт ва омад ҳақида гап кетса, баъзилар бахтга ҳам, омадга ҳам ишонмайман, дейишади. Ҳақиқатан ҳам шундайми? Менимча, йўқ. Бу икки тушунча одамлар билан бир умр бирга қадам ташлайди. Уларга етишиш учун, аввало, яхши ният, шунга яраша изланиш ва интилиш бўлса кифоя. Қарабсизки, бахт йўлларингизни ёритса, омад ортингиздан эргашади.

Устозларимнинг маслаҳати билан ҳужжатларимни мамлакатимиздаги энг нуфузли олий даргоҳ — Ўзбекистон Миллий университетига топширганимда, тўғриси, бу илм масканининг бу қадар мўътабарлиги, табарруклигини тасаввур ҳам қилмаган эканман. Ўзимўзимга савол бераман. Мана шу муборак масканнинг талабаси бўлишдай масъулиятли жараёнга тайёрманми? Очиғини айтганда, менга омад кулиб боқди. Миллий университетнинг иқтисодиёт факультетига ўқишга қабул қилиндим.

2-бет



БУГУНГИ СОНДА:

- ФАОЛ АЁЛЛАР ИБРАТИ — 2
- «...ТОРТАДУРМАН ЖАБРИНИ...» — 2
- ИНСОН ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА — 3
- ҚОНУНДАН ЗЎР, СУДДАН КУЧЛИ ёки айрим суд қарорлари ижро этилмаётгани ва уларнинг оқибатлари ҳақида — 4
- ЭНГ АСОСИЙ МЕЗОН мижозлар эътирофи — 6
- ҚАЙТА ЧИРОЙ ОЧГАН МАКТАБ — 8



O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ТУРИЗМ

ҳар қайси мамлакатнинг бой тарихи, урф-одатлари ҳамда маданиятини дунёга танитади

Куни кеча Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида 27 сентябрь — Бутунжаҳон туризм куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан, «Ўзбектуризм» Миллий компанияси, «Экосан» халқаро ташкилоти, «Экосан-Тур» халқаро экологик туризм маркази ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида Туризм ва экотуризм барқарор ривожланиш мақсадида» деган мавзуда йирик анжуман ўтказди.

Тадбир иштирокчилари даставвал Ўзбекистоннинг ва бошқа давлатларнинг туристик ва экотуристик салоҳиятини акс эттирувчи «Туризм ва экотуризм барқарор ривожланиш мақсадида» мавзуидаги кўргазма билан танишдилар. Эътиборли жиҳати шундаки, кўргазмада Франция, Миср, АҚШ, Эрон, Ҳиндистон, Қозоғистон, Афғонистон, Озарбойжон, Украина элчихоналари ҳамда Бельгия консуллиги, байналмилал маданият марказлари вакиллари ҳам иштирок этишди.

Тадбир сўнггида туризм ва экотуризм соҳасидаги кўп йиллик фаол ва самарали меҳнатлари учун бир гуруҳ мутахассислар муносиб тақдирланди. Шунингдек, фестивалда мамлакатимиз ҳудудларида туризм ва экотуризм, унинг ривожланиш салоҳияти мавзусига бағишланган энг яхши талабалар реферати танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР, ИЛМИЙ ХОДИМЛАР ВА ТАЛАБАЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Республикамизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, соҳага илғор педагогик технологияларни жорий этиш, талаба ёшларга замонавий билим асосларини ўргатиш, уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаси ҳамда ўқишда ва жамоат ишларида алоҳида ўрнак кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Гозиев Эргаш — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети психология кафедраси мудири

Эрназаров Кудрат Туганович — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети декани

Мамашокиров Саидмурод — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети миллий ғоя ва ижтимоий фалсафа кафедраси профессори

Троицкий Виталий Иванович — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети геология кафедраси профессори

Ҳикматов Фазлиддин — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қуруқлик гидрологияси кафедраси мудири

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Лян Григорий Михайлович — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети математик анализ кафедраси доценти

Набиев Тимур Эрикович — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жисмоний тарбия кафедраси мудири

Шереметьева Анна Геннадьевна — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети рус тилшунослиги кафедраси мудири

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуазизов Дилшод Рустамович — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети иқтисодиёт факультети магистратурасининг 2-курс талабаси

Власов Сергей Игоревич — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети яримўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси кафедраси мудири

Икромова Салима Меликўзиевна — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи

Каримбоев Элдор Холмуродович — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети физика факультети магистратурасининг 1-курс талабаси

Мавлонов Шавкат Муртазович — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультетининг 3-курс талабаси

Мамараимов Зоҳиджон Усмонович — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети геология факультети магистратурасининг 2-курс талабаси

Неъматова Муҳаббат Набиевна — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ахборот-ресурс маркази раҳбари

Расулова Мадина Фарҳодовна — Мирзо Улуғбек номидага Ўзбекистон Миллий университети биология-тупроқшунослик факультети магистратурасининг 1-курс талабаси

Тожиев Эрмат — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори

Чинниқулов Холдор — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети замонавий геодинамика ва геоинформатика кафедраси доценти

Чориев Рўзимурод Кўнғиротович — Тошкент шаҳридаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 26 сентябрь

МЕНИНГ УНИВЕРСИТЕТИМ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сабоқнинг илк кунларидан бошлаб университетни яна қайтадан кашф этдим. Мамлакатимиздаги кўплаб буюк шахсларнинг тақдири ё бевосита ёки билвосита университет билан чамбарчас боғланиб кетгани мени ҳайратлантирди. Университет тарихи, ундаги факультетлар ҳаёти билан яқиндан танишиб, бу даргоҳнинг улуғворлиги нимада эканлигини ўзимча таҳлил этдим.

● Салкам бир асрдан буён фаолият кўрсатиб келаётган университетимиз республикамиз, Марказий Осиё ва бир қатор қўшни давлатлар учун ҳам халқ хўжалигининг турли соҳалари бўйича кадрлар тайёрлаб берганлигини бугун барча тан олади ва эътироф этади. Бизнингча, минтақамизда бу борада ҳеч бир олий даргоҳ университет билан тенглаша олмайди.

● Бу қадим масканда ўқиган ёки ишлаган йирик олимлар довруғи бутун дунё бўйлаб ёйилди. Биргина мисолга эътиборингизни қаратмоқчиман. Ушбу зиё даргоҳидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси 106 нафар аъзоси етишиб чиққанлигининг ўзи ҳам фикримизни тасдиқлайди. Қори Ниёзий, Обид Содиқов, Содиқ Азимов, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Саъди Сирожиддинов, Ёлқин Тўрақулов, Собир Юнусов каби жаҳонга машҳур алломаларимизнинг номини ким ҳам билмайди дейсиз. Улар асос солган илмий мактаблар бугунги кунда ҳам халқаро миқёсда ўз мавқеини мустаҳкам сақлаб келмоқдалар.

● Бугунги кунда мамлакатимизда 65 та олий ўқув юрти мавжуд бўлса, уларнинг асосий қисми университет бағрида камол топган. Бир сўз билан айтганда, миллий университет республикамизда фаолият кўрсатаётган олий ўқув юртларининг бешиги ҳисобланади.

● Университетимиз халқлар ўртасидаги дўстлик кўзгусига айланди. Бу ерда фаолият кўрсатган турли миллат вакиллари дўст-биродар, устоз-шогирд бўлиб меҳнат қиладилар. Улар тимсолида биз миллатлараро тотувлик, бирдамлик ғояларига садоқатни кўрамиз. Демак, университетнинг жаҳоншумул тараққиётида шубҳасиз уларнинг ҳам ўз ўрни бор.

● 1995 йил 14 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент давлат университетига Мирзо Улуғбек номини бериш тўғрисида»ги Қарори чиқди. Ушбу таълим даргоҳи ҳақидаги уйдирмалар, нотўғри, ноилмий, нохолис қарашлар фақат истиқлол туфайли, Президентимиз саъй-ҳаракати билан ҳақиқат томон юз бурди. Университетга илк тамал тошини қўйганлар табаррук номи ва бу ҳақдаги тарихий ҳақиқат тикланиб, кенг жамоатчиликка маълум қилинди.



● 2000 йилнинг 28 январида мамлакатимиз раҳбарининг



Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

«Тошкент давлат университетига «Ўзбекистон Миллий университети» мақоми бериш тўғрисида»ги тарихий Фармони эълон қилинди. Ушбу муҳим ҳужжатда университетнинг асосчилари жадид зиёлилари бўлиб, у ташкил этилган сана 1918 йил 12 май эканлиги қайд этилди.

● Бугунги кунда университетнинг талаба, аспирант ва докторантлари бир қатор хорижий мамлакатларда таълим олмоқдалар, малака оширмоқдалар, нуфузли олий ўқув юртларида фаолият кўрсатмоқдалар. Масалан, иқтидорли талабаларнинг кейинги вақтда хорижий нашрларда 215 та мақола, 995 та илмий тезислари эълон қилинди. 1997 — 2006 йилларда мамлакатлараро кадрлар алмашуви доирасида 65 нафардан ортиқ чет эл фуқароси ўқиш ва стажировкага қабул қилинди. ЎзМУнинг 110 нафар ходими эса хорижга юборилди.

● Юртбошимизнинг ташаббуси билан «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси бутунлай янгидан бунёд этилди. Университетимизга тегишли 8 та талабалар турар-жойи капитал таъмирдан чиқарилди. 13 та факультет жойлашган ўқув бинолари замонавий қиёфа касб этди.

● Мамлакатимизда Ёшлар йили деб эълон қилинган жорий йилнинг 9 апрель санасида «Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Президент қарори имзоланди. Мана шу қарор доирасида август ойида халқаро анжуман ҳамда сентябрнинг иккинчи ўн кунлигида республикамиз олий ўқув юртлари талабаларининг фестивали ташкил этилди.

Бугун жонажон университетимиз 90 йиллигини нишонламоқда. Мен ҳам мана шу таълим масканининг бир фарзанди сифатида ушбу тарихий воқеаларга гувоҳ бўлаётганимдан ўзимни ғоят бахтиёр ҳис этаман. Тўғриси, омадим бор экан, улкан шодиёналарни ўз кўзим билан кўриб турибман. Ким қандай ўйлайди, билмадим, лекин мен сўзимда қоламан. Изланганлар, интилганлар учун бахт ҳам, омад ҳам бор.

Козимбек ҲАМРОЕВ, Ўзбекистон Миллий университетининг иқтисодиёт факультети талабаси.

ҚУТЛУҒ ДАРГОҲ ФАРЗАНДЛАРИ

Жўра МУСАЕВ, ЎзМУ кафедра мудири, академик, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби:

— 1943 йилда мактабни тамомлаб, илк бора талаба сифатида мана шу қутлуғ даргоҳга қадам қўйганман. Шундан кейинги фаолиятим жонажон университетим билан боғлиқ. Биринчи курсда таҳсил олаётганимда ота-онам вафот этди. Устозларим профессор Илария Райкова ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Полвон Азизовлар менга, синглим ва укамга ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрликлар кўрсатишди. Университетдаги илмий фаолиятим давомида жуда катта ютуқларга эришдим. Хусусан, энг катта бахтим бу — менинг шогирдларимдир. Бугунги кунгача 6 нафар фан доктори, 25 нафар фан номзодининг етишиб чиқишида ўз ҳиссамни қўшдим деб айта оламан. Ҳозир 4 нафар шогирдим докторлик ишини ҳимоя қилиш арафасида.

Фурсатдан фойдаланиб, 90 ёшли университетнинг 80 ёшли фарзанди сифатида ушбу муқаддас даргоҳга таъзим қиламан ва унга дахлдор барча-барча кишиларни бу байрам билан чин юракдан табриклайман.

Наргиза УМАРОВА, ЎзМУ магистранти, Ўзбекистон Президенти Давлат стипендианти:

— Айрим тенгдошларимиз хорижнинг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олишга интилишади. Уларга ҳеч қандай эътирозим йўқ. Аммо, Ўзбекистон Миллий университети талабаси бўлиш ҳам шарафли. Университетимизда яратилган шароитлар, устозларимизнинг салоҳияти, тажрибаси ҳеч кимдан кам эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясига эришишимда, касбий жиҳатдан шаклланишимда ҳам ана шу устозларимнинг хизматлари катта. Университетда таҳсил олишим давомида шунга иқрор бўлдимки, ҳар қандай киши астойдил интилган тақдирдагина кўп ютуқларга эришиши мумкин экан.

Дунёнинг ҳар чеккасидан келаётган қутловларни, халқаро илм доираларида университет шаънига айтилаётган илиқ сўзларни эшитиш ниҳоятда қувонарли бўларкан. Ана шундай нуфузни оқлаш масъулияти эса биз, талабаларнинг зиммасида.

Алия ЮНУСОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси;

— Ўзбекистон Миллий университети ўзининг 90 йиллик фаолияти давомида минг-минглаб талабаларга муносиб сабоқ берди. Бу ерга қадам қўядиган ҳар қандай йигит-қиз орадан йиллар ўтгач, бой билимларга эга ҳолатда катта ҳаётга йўлланмани олади. Миллий университет бу — ҳаёт мактаби. Ҳуқуқшунослик факультетининг битирувчиси сифатида шуни таъкидламоқчиманки Б. Аҳмедов, М. Восиқова каби ўз фанининг етук билимдонларидан илм-фан сирларини ўрганишга муяссар бўлганмиз. Бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ана шу устозларимизнинг ўгитлари, университетда ўрганганларимиз бугун ўз самарасини бермоқда.

Маъмуржон МАҲМУД ёзиб олди.

✓ Огоҳликка даъват

«...ТОРТАДУРМАН ЖАБРИНИ»

25 сентябрь куни Ўзбек Миллий академик драма театрида глобал офатнинг аянчли оқибатларини очиб берувчи ва барчамизни огоҳликка чорловчи «...Тортадурман жабрини» спектаклининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Бу спектаклни яратишда унинг муаллифлари Тилаб ва Дилбар Маҳмудоваларга, театр жамоасига Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссиялари ҳамда унинг Тошкент шаҳар ҳудудий идоралараро комиссиялари, Республика Бош прокуратураси, Тошкент шаҳар прокуратураси, Ички ишлар бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази яқиндан ёрдам беришди.

Фарида Йўлдошева, Одам савдосига қарши курашиш ҳудудий комиссиялари аъзоси, спектакль ғояси муаллифи:

— Давлатимиз XXI аср вабоси солаётган таҳдиднинг олдини олишга қаратилган зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқмоқда. «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги қонун кучга кирди. Қонун асосида мамлакатимизнинг барча вилоятларида ҳудудий комиссиялар ташкил этилди. Бу офатга қарши кураш тадбирлари ва одамларни огоҳликка чорловчи тарғибот ишлари бошлаб юборилди. Бу спектакль шундай хавфли жиноят билан шуғулланадиганларнинг ёвуз ниятларини очиб, шундай кўчага адашиб кириб қолган қизнинг аянчли қисмати ҳақида ҳикоя қилади. Мақсадимиз — юртимизнинг бирон-та қизи шу асардаги қаҳрамон тақдирини бошдан кечирмасин.

Комила Каромова, ЎзХДП Қарши шаҳар Кенгаши раиси:

— Бундай фожиаларга бефарқ қараб бўлмайди. Мени ташвишга солаётган нарса, спектаклда сўз юритилганидек, мўмай пул топиб, бирданига бойиб кетиш орзусида юрган содда ёшларни асосан катталар йўлдан адаштираётганидир. Била туриб, ёшларни авраб-алдаш орқали жиноятга етаклаётган, уларнинг ор-номусини пуллаётганларнинг ярмини аёллар ташкил этаётгани даҳшатли ҳол.

Тожибой Исроилов, саҳналаштирувчи режиссёр:

— Спектаклдаги кўп маълумотлар ҳужжатлар асосида тайёрланган. Шу масалага дахлдор ташкилотлар билан ҳамжиҳатликда ишлаганимиз яхши самара берди. Биз бу хавфли иллатга қарши курашда бирлашишимиз керак. Келажакда бу долзарб мавзуни катта экранга олиб чиқиш режамиз бор.

Дарҳақиқат, асар муаллифлари одам савдоси ноанъанавий, мураккаб ва пухта тайёрланган жиноят тури эканига катта урғу берган. Воқеалар ривожи жиноятчиларнинг реал ҳаётдаги қинғирликлари, қандай ташкилот ва алоқалардан фойдаланиши, жиноят занжирини батафсил ва максимал даражада ҳаётий акс эттиради. Бу эса томошабинларга одам савдосининг жамоатчиликка маълум бўлмаган жиҳатлари, жиноятчилар ва гумашталарнинг жиноятни амалга ошириш усуллари ва улар яшириниб юрган ниқоблардан воқиф бўлиш, муаммонинг моҳиятини англаб етиш имконини беради.

Гулгун СУЛТОНОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ Депутатлик гуруҳлари фаолияти ҳақида

ТАШАББУСЛАР

электорат манфаатига хизмат қилиши керак

(Давоми. Боши 1-бетда)

Вилоят партия кенгаши раиси Абдурашид Убайдуллаев, депутатлик гуруҳи раҳбари Наимжон Раҳимов кун тартибидаги масала юзасидан сўзга чиқдилар.

— Кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўриш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири, — деди А.Убайдуллаев. — Ўтган қиш мавсумининг кутилганидан кўра совуқ ва серёғин келгани жойларда айрим қийинчиликлар туғдирди ва, айниқса, иситиш тизимларига талафот етказди. Бундай шароитда бизнинг электроратимиз кўпроқ азият чекиши мумкин. Шунинг учун бу масалани кун тартибига қўйдик.

— Депутатлар сайловчилар билан учрашганида энг кўп саволлар коммунал соҳага оид бўлаяпти, — деди Н.Раҳимов. — Демак, бу долзарб масала ва одамларни ташвишга солаётган муаммоларни бартараф этишда бизнинг алоҳида эътиборимиз, фаоллигимиз, ташаббускорлигимиз талаб этилаяпти. Ўз ваколатларимиздан фойдаланиб, шу ишга муносиб ҳиссамизни қўшсак, нафақат электоратимизнинг ташвишини енгиллатамиз, балки улар олдида юзимиз ёруғ бўлади.

Депутатлик гуруҳларининг долзарб масалаларга эътибор қаратиши ва жойлардаги аҳвол ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилишида партия кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналарининг алоҳида ўрни бор. Вилоятда Жамоатчилик қабулхоналарига ўтган давр мобайнида 2,5 мингдан зиёд фуқаро мурожаат қилган. Уларнинг аксарияти коммунал хизматлардаги носозликлар билан боғлиқ. Иштирокчилар ушбу тузилма фаолияти билан ҳам танишдилар. Бу ҳақда вилоят партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонаси мудири Анваржон Насриддинов маълумот берди.

Шунингдек, йиғилишда вилоятдаги касб-ҳунар коллежлари тизимида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг бажарилишида депутатлар гуруҳининг иштироки масаласи ҳам таҳлил этилди. Масала юзасидан вилоят партия кенгаши раисининг ўринбосари Нигорахон Нуралиеванинг маърузаси тингланди.

Маълумки, мамлакатимизда таълим-тарбия, хусусан, жамиятимизнинг эртанги куни, умидишончи ва таянчи бўлган ёшларга катта эътибор қаратилмоқда. Вилоятдаги 98 та касб-ҳунар коллежида 76 минг нафардан зиёд йигит-қиз таълим олмоқда. Яратилаётган шароитлардан ёшлар қай даражада фойдаланмоқда, уларни касбга йўналтириш, битирувчиларни иш билан таъминлаш масалалари қандай кечмоқда?

Партия ташкилотлари томонидан олиб борилаётган мониторинг-таҳлил натижаларига кўра, касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг бўш вақтларида турли ҳунармандлар, усталарга шогирдликка бериш каби ижобий ўзгаришлар ясаш чоралари кўрилмоқда.

Масала юзасидан сўзга чиққан халқ депутатлари Чуст туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Муҳсинжон Бобохонов, Тўрақўрғон туман партия кенгаши раиси Орифжон Охунов ва бошқалар бундай масалаларда ўқитувчи ёки ота-оналарнинг эмас, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчиликнинг ҳам масъулиятини ошириш лозимлигини таъкидлашди.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари аъзолари, партия кенгашлари раҳбарлари, фаоллар, жамоатчилик вакиллари иштирок этган мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ ЎзХДП — хотин-қизларнинг мустаҳкам таянчи

ФАОЛ АЁЛЛАР ИБРАТИ

Партиямизнинг Самарқанд вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Дилбар Имомованинг хонасига қачон кирманг, доимо гавжум. Сафдошларимиз ёки бизга хайрихоҳ хотин-қизлар «Фаол аёллар» қаноти ишларини янада ривожлантириш юзасидан вазифаларни муҳокама этаётган, режаларни келишиб олаётган, янги таклифларни ўртага ташлаётган бўлишади.

Яқинда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси Раҳима Раҳмонова таклиф билан келди.

— Самарқанд шаҳрининг Сартепа мавзесидаги 121-мактабгача таълим муассасасида учрашув уюштирсак. У ерда меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг фаолларга саволлари бор экан. Қолаверса, уларнинг ЎзХДПга хайрихоҳлиги баланд...

Дарҳол тадбирни ўтказиш режаси тузилди. Албатта, бу учрашувда маънавий-маърифий тарбияда аёлларнинг ўрни масаласи таҳлил этилиши мақсадга мувофиқ, деб топилди. Фаоллар шу ният билан тадбирга пухта ҳозирланишди, уни қизиқарли ва мазмунли ўтказиш чоралари кўрилди.

Фаолларнинг саъй-ҳаракатлари билан учрашув жуда жонли, мулоқотга бой бўлди. Ҳатто унда қўшни мавзеларда истиқомат қиладиган хотин-қизлар ҳам иштирок этди. Энг асосийси, иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга аниқ ва асосли жавоб олди. Ташкилотчилар эса билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, кейинги учрашувлар мавзусини белгиладилар. Якунда муассаса тарбияланувчиларининг «Биз бахтли болалармиз» деб номланган бадиий чиқишлари намойиш этилди.

Самарқанд шаҳридаги 14-маҳалла марказида ўтказилган уч авлод учрашуви ҳам ҳаяжонли бўлди. Тадбирга таклиф этилган Марям Шодиева, Гулчеҳра Иброҳимова, Роҳатой Йўлдошева сингари 80 ёшдан ошган нуроний онахонлар ҳукуматимизнинг меҳнат фахрийларига кўрсатаётган ғамхўрликларидан миннатдор эканликларини изҳор этишди. Ёшларни Ватанимизнинг муносиб ворислари бўлишга, бу кунларнинг қадрига етишга даъват этишди.

— Ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда ёшлар камолоти учун барча шароитлар яратилган, — деди Марямхон она Шодиева. — Гап мана шу имкониятлардан тўғри ва самарали фойдаланишда. Мамлакатимизнинг барча ёшлари сингари маҳалламиз болалари ҳам келгусида ўзларини кўрсатади, кимларнинг авлоди эканини намоён этади.

Тадбир сўнггида фаол иштирокчиларга Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

— Деярли барча тадбирларимиз фаолларимиз ташаббуси билан ўтади, — дейди Дилбар Имомова. — Биз эса ташкилий жиҳатдан кўмаклашамиз. Бунинг натижасида партиямиз дастурий мақсадларини тарғиб қилиш, сафимизга кўпроқ фаолларни жалб этишга эришаяпмиз. Бу тадбирларнинг энг дастлабки самараси жамиятимизда аёлларнинг ўрни, сиёсий жиҳатдан фаоллиги, ҳуқуқий онги, маданияти тобора ошиб бораётганида ҳам намоён бўлаяпти.

Мамадали ЖАЛИЛОВ

✓ Тадбир

ИНСОН ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 1 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони талаблари тегишли идоралар томонидан изчил амалга ошириляпти. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори билан ҳамкорликда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ушбу масалада халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш бўлимининг имкониятини кучайтириш» лойиҳаси доирасида «Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш юзасидан ички ишлар идораларининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва давлат органлари, миллий институтлар, нодавлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги» мавзуида бир қатор «давра суҳбатлари» ўтказиш режалаштирилган.

Ушбу «давра суҳбатлари» давомида ички ишлар идоралари ходимларининг малакасини ошириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мавзусига бағишланган семинар-тренинглар ўтказиш, ҳужжатлар ва адабиётлар чоп этиш ҳамда ички ишлар идораларининг бошқа давлат идоралари, судлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар билан ҳамкорлик механизми самарадорлигини ошириш масалаларини муҳокама қилиш назарда тутилган.

Куни кеча ана шундай тадбирлардан бири ўтказилди. Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимизда инсон ҳуқуқини таъминлашга жиддий эътибор берилган. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида янги — Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ташкил этилди. Шунингдек, барча қуйи ички ишлар идоралари тизимида ҳам ушбу бошқарманинг бўлим ва бўлинмалари тузилиши эса фуқароларнинг ҳар қандай мурожаатларини қонунда белгиланган муддатларда, тез ва самарали кўриб чиқилишини кафолатлайди.

Шу боис «давра суҳбати»да ички ишлар идораларининг судлар, давлат идоралари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи бошқа институтлар билан ҳамкорлиги муҳокама этилди.

«Давра суҳбати»да давлат идоралари ва муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек ИИВнинг марказий аппарати ва ҳудудий ички ишлар идоралари вакиллари қатнашдилар.

«Давра суҳбати» давомида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ўртасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳамкорлик битимини имзолаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Равшан ШОДИЕВ

✓ Солиқ ва ҳаёт

НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИ МУНТАЗАМЛИГИ

нақд пул тушумлари салмоғини оширмоқда

Нақд пул тушумига эга бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари томонидан нақд пул тушумларини банк кассаларига тўлиқ ҳамда ўз вақтида топшириш борасида олиб борилаётган назорат тадбирлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда жуда катта аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 декабрдаги «Аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобни амалга оширишда назорат-касса машинасини мажбурий тарзда қўллаш тартиби тўғрисида»ги, 1997 йил 11 декабрдаги «Республикада савдо тушумини инкассация қилиниши ва назорат-касса машиналаридан фойдаланишини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Шунингдек, «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва бошқа қатор тегишли қарорлар соҳада салмоқли ижобий натижалар бермоқда.

Дарвоқе, нақд пул тушумини кўпайтириш, ўз вақтида банк муассасаларига инкассация қилиш — истеъмол бозорини кундалик эҳтиёж моллари билан тўлдириш ва аҳолига савдо ҳамда пуллик хизмат кўрсатиш даражасини яхшилашда муҳим омил. Шу нуқтаи назардан муомаладаги нақд пулни банк муассасаларига вақтида топширилишини таъминлаш мақсадида солиқ инспекциямиз жамоаси ҳокимият мутасадди раҳбарлари ҳамкорлигида банк муассасалари, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари ҳамда пул тушумини вақтида инкассация қилмаган ташкилотлар вакиллари иштирокида кунлик нақд пул маблағларини тўлиқ инкассация қилиш юзасидан мунтазам тушунтиришлар, суҳбатлар олиб бормоқда.

Инспекциямиз, айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида инкассация бирлашмаси билан ҳамкорликда белгиланган 8 та йўналиш бўйича қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Масалан, ҳозир туманимизда 912 та савдо тармоқлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг 574 таси чакана савдода, 147 таси умумий овқатланиш тармоқларида, 119 таси хизмат кўрсатиш соҳаларида, 7 таси автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида, 62 таси дорихоналар ва 3 таси нон сотиш нуқталарида хизмат кўрсатади.

Айни чоғда инспекциямиз мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳукуматимиз қарорлари ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган доимий назорат ишлари сифатига алоҳида эътибор бермоқда. Жумладан, ўтказилган мониторинг ва банклардан олинган маълумотлар ҳамда белгиланган текширишлар режасига кўра, жорий йил мобайнида 118 та қисқа муддатли текширишлар ўтказилди. Уларнинг 91 та ҳолатида назорат-касса машиналари ва чипталаридан фойдаланмаслик, белгиланган касса тартибларига амал қилмаслик ҳоллари аниқланди ва 4800 минг сўм нақд пул назорат-касса машинаси хотирасига киритилмаганлиги маълум бўлди. Натижада харидорлар билан ҳисоб-китоб вақтида назорат-касса машинаси ишлатилмагани ва НКМ хотирасига савдо пуллари киритилмагани учун хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан Солиқ кодексининг 119-моддасига асосан 70,5 млн. сўм миқдорида молиявий жарима қўлланилди.

Хулоса қилиб айтганда, олиб борилаётган назорат тадбирларимиз мунтазамлиги нақд пул тушумлари салмоғини ошиб боришида катта самара бераяпти. Жорий йилнинг 8 ойи мобайнида туман ҳудудидаги савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида 6909 маротаба хронометраж ўтказилиб, натижада (бир кун олдин тушган тушумга нисбатан) 552,5 млн. сўм миқдорида нақд пул тушуми кўпайганлиги кузатилди.

Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, нақд пул тушумига эга бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари томонидан нақд пул тушумларини банк кассаларига тўла ҳамда вақтида топширилишини мунтазам назорат қилиб боришнинг ижобий натижаларидир.

Улуғбек ЗИЯЕВ,
Тошкент шаҳар, Миробод тумани ДСИ қисқа муддатли текширишлар ўтказиш бўлими бошлиғи.

«ЎЗАГРОСУҒУРТА»


давлат акциядорлик суғурта компанияси

Олот туман бўлими жамоаси

умр боғининг боғбони, ҳаётимиз чароғбони ҳисобланган, бугунги кунда меҳнати юксак қадрланаётган юртимизнинг барча ўқитувчи–мураббийларини қўшалоқ шодиёна – касб байрамлари ҳамда Рамазон ҳайити билан чин дилдан табриклайди.







Азиз устозлар!
Меҳнатингиз роҳатини кўриш ҳар бирингизга насиб этсин!
Ҳаётингиз ҳамиша қувончларга тўлсин деймиз!

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Андижон вилояти, Балиқчи тумани, Чинобод қишлоғи, А.Навоий кўчаси, 11-уйда жойлашган «Чин-Меҳр» хусусий дорихонаси номига 2003 йил 31 июлда берилган 3223-сонли лицензия ва 2007 йил 9 сентябрдаги 1681/1974-03-сонли лицензия шартномаси йўқолгани сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ҚУРИШ РЕСПУБЛИКА ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қурилишни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Бухоро вилояти, Ғиждувон туманидаги 795/100 ўқувчи ўринли академик лицей қурилиши.

Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Буюртмачи: Академик лицейлар қуриш республика инжиниринг компанияси.

Манзили: Тошкент шаҳри, Саидова кўчаси,76-уй.

Телефон/факс: (8-371) 227-11-84, 246-69-73.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: устав сармояси миқдори, танлов савдолари предметининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағларга ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга ҳамда ўзаро ишончга, шунингдек, етарли ишчи кучи захираларига эга бўлишлари лозим.

Қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки хатлаб қўйилган талабгорлар ва таъсис ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклидаги ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бирига бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотларнинг танлов савдоларида қатнишиши тақиқланади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳар, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари очилиш куни ва соатида қабул қилиниб, танлов қатнашчилари ва оферентлар иштирокида очилади.

*Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзил: **Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хонада соат 10.00 да бўлиб ўтади.***

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қурилишни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

МУКАММАЛ ҚАЙТА ҚУРИШ:

Лот-1:

Лот 1-1. Бухоро шаҳридаги 300 ўқувчи ўринга мўлжалланган 11-сонли мактаб филиали 9х18 м. спорт зали билан.

Лот 1-2. Бухоро туманидаги 535 ўқувчи ўринга мўлжалланган 24-сонли мактаб 12х24 м. спорт зали билан.

Лот 1-3. Бухоро туманидаги 540 ўқувчи ўринга мўлжалланган 28-сонли мактаб 12х24 м. спорт зали билан.

Лот 1-4. Вобкент туманидаги 680 ўқувчи ўринга мўлжалланган 14-сонли мактаб 12х24 м. спорт зали билан.

Лот-2:

Лот 2-1. Жондор туманидаги 370 ўқувчи ўринга мўлжалланган 17-сонли мактаб 12х24 м. спорт зали билан.

Лот 2-2. Жондор туманидаги 450 ўқувчи ўринга мўлжалланган 30-сонли мактаб 12х24 м. спорт зали билан.

Лот 2-3. Когон туманидаги 280 ўқувчи ўринга мўлжалланган 14-сонли мактаб 9х18 м. спорт зали билан.

Лот 2-4. Олот туманидаги 220 ўқувчи ўринга мўлжалланган 11-сонли мактаб 9х18 м. спорт зали билан.

Лот-3:

Лот 3-1. Пешку туманидаги 330 ўқувчи ўринга мўлжалланган 9-сонли мактаб.

Лот 3-2. Ромитан туманидаги 360 ўқувчи ўринга мўлжалланган 8-сонли мактаб 12х24 м. спорт зали билан.

Лот 3-3. Ромитан туманидаги 340 ўқувчи ўринга мўлжалланган 26-сонли мактаб 12х24 м. спорт зали билан.

Лот 3-4. Ромитан туманидаги 360 ўқувчи ўринга мўлжалланган 34-сонли мактаб.

Лот-4:

Лот 4-1. Қоракўл туманидаги 450 ўқувчи ўринга мўлжалланган 11-сонли мактаб 12х24 м. спорт зали билан.

Лот 4-2. Қоракўл туманидаги 350 ўқувчи ўринга мўлжалланган 14-сонли мактаб 12х24 м. спорт зали билан.

Лот 4-3. Қоракўл туманидаги 380 ўқувчи ўринга мўлжалланган 21-сонли мактаб.

Лот 4-4. Шофиркон туманидаги 600 ўқувчи ўринга мўлжалланган 6-сонли мактаб.

Лот-5:

Лот 5-1. Шофиркон туманидаги 540 ўқувчи ўринга мўлжалланган 17-сонли мактаб.

Лот 5-2. Шофиркон туманидаги 250 ўқувчи ўринга мўлжалланган 50-сонли мактаб 9х18 м. спорт зали билан.

Лот 5-3. Шофиркон туманидаги 140 ўқувчи ўринга мўлжалланган 52-сонли мактаб.

Лот 5-4. Ғиждувон туманидаги 435 ўқувчи ўринга мўлжалланган 14-сонли мактаб 12х24 м. спорт зали билан.

Лот 5-5. Ғиждувон туманидаги 370 ўқувчи ўринга мўлжалланган 47-сонли мактаб 9х18 м. спорт зали билан.

Мазкур иншоотларни фойдаланишга топшириш муддати — 2009 йил 1 август.

Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Буюртмачи: Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй. Факс: 223-63-23, тел: 223-63-26.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: устав сармояси миқдори, танлов савдолари предметининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағларга ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга ҳамда ўзаро ишончга, шунингдек, етарли ишчи кучи захираларига эга бўлишлари лозим.

Қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки хатлаб қўйилган талабгорлар ва таъсис ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклидаги ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бирига бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотларнинг танлов савдоларида қатнашиши тақиқланади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — олтмиш минг сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари очилиш куни ва соатида қабул қилиниб, танлов қатнашчилари ва оферентлар иштирокида очилади.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзил: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хонада соат 10.00 да бўлиб ўтади.

✓ Мустақиллик — энг олий неъмат

КЎНГИЛДАГИ ШУКРОНАЛИК

ёки тиб илмининг султони Ибн Сино ватани — Пешку туманида истиқлол йилларида рўй берган ўзгаришлар, амалга оширилган бунёдкорлик ишлари хусусида

Пешку тумани Бухоро шаҳридан 45 километр узоқликда жойлашган. Кейинги йилларда туманда кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишларига қўл урилди. Тиб илмининг султони Ибн Синонинг киндик қони томган Афшона обод гўшага айлантирилди. Дастлаб бу ерда тиббиёт коллежи барпо этилди, кейин эса аллома музейи янгидан жиҳозланди.

— Илгари йўллари тиканзор, қишлоқлари кўримсиз, бозори тор, ҳатто мактанадиган мактаби бўлмаган туманимизда кейинги йиллар ичида асрга татигулик ишлар амалга оширилди, — дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Мансур Қудратов. — Тиббиёт, саноат, қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт коллежлари, замонавий болалар спорт мажмуалари, бадиий гимнастика ва маданият саройлари қуриб, ишга туширилди. Бу замонавий иншоотларга ҳамма ҳавас кўзи билан қарамоқда.

Суҳбатдошимиз айтганича бор. Туман маркази — Янгибозорни олайлик. Бу ерда хушманзара, ҳордиқбахш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи маскану дўконлар кўп. Яқинда қуриб битказилган бозор шаҳарга ўзгача ҳусн бағишлаб турибди. Туман қишлоқларига олиб борувчи йўллар равон, атрофи — гулзор.

Қалъаимиришкордаги болалар спорт мажмуи, спорт мактаб-интернати, Талисобун, Боғимусодаги қишлоқ врачлик пунктлари, 7, 13, 21, 29, 41, 42, 43, 44-мактаблар билан танишганимизда, кўнглимизда шукроналик янада ортди. «Пешкутекс» қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган маҳсулотлар нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам бозори чаққон ҳисобланади.

— Пешкуда ҳар ўн кишидан бири тадбиркор, — дейди туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси бошлиғи Мирзо Саидов. — 1369 нафар фермер, 500 дан зиёд тадбиркор, шунингдек, кичик бизнес соҳиблари меҳнати эвазига туманда қишлоқ хўжалик, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ўсмоқда. Эндиликда ҳар бир қишлоқ ва маҳаллада ошхона, дорихона, маиший хизмат кўрсатувчи шохобчалар фаолият кўрсатмоқда. 2486 та кичик корхона, фирма ўз ишлаб чиқаришини йўлга қўйган. Энг муҳими, буларнинг барчаси халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ана шундай тадбиркорлардан бири Тўра Ҳайитов илгари аҳолига фақатгина фотография хизмати кўрсатиш билан шуғулланган бўлса, бугун у туман марказида дурадгорлик устахонаси ташкил қилди. Кўқондан энг яхши усталарни олиб келиб, буюртма асосида аҳолига сўри, эшик, дераза-ромлар, ҳар хил мебелларни тайёрлаб беряпти.

— Яқинда токарлик цехи очдик, — дейди Тўра Ҳайитов. — Чунки туманда токарлик хизматига талаб катта. Хусусан, фермерлар, автотранспорт корхоналари оддий детални қайта тиклаш учун қўшни туманга боришга мажбур бўлишган. 10 та янги ишчи олдик, улар бу муаммо ечими билан банд.

Ҳожиқурбон Ҳодиев «Илғорт-ўқув» хусусий корхонасини ташкил қилганига атиги бир йил бўлди. У «Чиғириқ» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги ташландиқ клубни тўқув цехига айлантирди. Бугун бу ерда 30 киши иш билан банд, бўз ва дока ишлаб чиқармоқда. Яқин орада тиббиёт учун хос дока қадоқлаш ҳам йўлга қўйилади.

Малишояк маҳалла фуқаролар йиғини таркибидаги Кўсаравон, Малишояк қишлоқлари аҳолиси ўзининг меҳнатсеварлиги билан туманда ажралиб туради. Чопондўз, каштачи, тикувчи, зардўз, қандолатчи, дурадгорларнинг ҳаммаси шу ерда. Бу ерда ўзаро ҳамжиҳатлик, дўстона муҳит қарор топган. Кўсаравондаги бўшаб қолган болалар боғчаси биносини 5 нафар фермер ҳомийлигида қишлоқ врачлик пунктига айлантирилиши бунинг ёрқин исботидир. Энг қувонарлиси, бундай хайрли ишларни ҳар бир қишлоқ, ҳар бир маҳаллада кўриш мумкин. Бу эса кўнгилга қувонч бағишлайди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ҚУРИШ РЕСПУБЛИКА ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Жиззах вилояти, Жиззах шаҳридаги 900 ўқувчи ўринли академик лицей учун 200 ўринли ётоқхона қурилиши (калити билан).

Ишларни тугаллаш муддати: 2009 йил 1 августгача.

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри, Саидова кўчаси, 76-уй.

Телефон/факс: (8371) 227-11-84.

Ишларни молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий конкурс қўмитасининг марказига, қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин буюртмачининг манзилида ўтказилади.

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни


Ғиждувон туманидаги 2-сон даволаш мактаб-интернати жамоаси


дунёдаги энг улуғ ва шарафли касб эгалари бўлган, қалби ҳамиша меҳру садоқат нури билан лиммо-лим бўлган муҳтарам устозларни, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги барча ходимларни

1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ БИЛАН

самимий муборакбод этади.

Ҳаммамиз учун ардоқли бўлган устозларга касбий фаолиятларида ҳамиша омад ёр бўлсин!







Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани, Гулсара 1-боши берк кўчаси 7-уйда жойлашган MEROJ-MURODJON хусусий корхонаси масъулияти чекланган жамият шаклига ўтаётганлигини МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

✓ Шундай бўлиши мумкинми?!

ҚОНУНДАН ЗЎР, СУДДАН КУЧЛИ

ёки айрим суд қарорлари ижро этилмаётгани ва уларнинг оқибатлари ҳақида

Ўзини ҳурмат қилмаган қонунни ҳам ҳурмат қилмайди. Ўз навбатида, қонунни ҳурмат қилмаган ўзини ҳам, ўзгани ҳам, хуллас, ҳеч кимни ҳурмат қилмаслиги аниқ.

Жиззах шаҳрида истиқомат қилувчи Ойназин Исоқованинг таҳририятга ёзган шикоят хатини ўқиган кишида «мумкин эмас» деган инкор ўтади.

Ўрганиб чиқдик. Мумкин экан.

Бахмал тумани Ўсмат шаҳарчаси Мустақиллик кўчасидаги низоли 20-уй қарийб 4 йиллик судлашувлардан сўнг Ойназин Исоқова эгалигига ўтадиган бўлди. Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг шу йил 28 июндаги ҳал қилув қарорида Андақул Саъдуллаев ва унинг оила аъзоларини юқоридаги манзилдан мажбурий кўчириш белгиланди. Чунки туман молия бўлимининг собиқ ушбу биносига А.Саъдуллаев оила аъзолари билан аллақачон кўчиб кирган ва низо кетаётганлигига қарамасдан уйни бузиб, қурилишлар қилаётган эди.

Бинонинг бузиб ташланиб, яроқсиз ҳолга келтирилишини тақиқлаш тўғрисидаги ижро ҳужжати ҳам А.Саъдуллаевни бу ишдан тўхтатиб қололмади. У ижро ҳужжати билан танишишдан бош тортди, ижрочини эшитишни хоҳламади, агар солинган бандни бузган тақдирда жавобгарлик масаласи кўрилиши ҳақидаги ижрочи гапига парво ҳам қилмади. Ҳатто туман прокуратураси томонидан 14 июлда унга нисбатан Жиноят кодексининг 233- моддаси билан жиноят иши очилгани **(банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш)** ҳам қурилиш ишларининг тўхташига халақит қила олмади.

Қўйинки, А.Саъдуллаев ва унинг оила аъзоларини ушбу манзилдан мажбурий кўчириш ҳақидаги биз юқорида тилга олган суд ҳужжатини ижро қилиш учун борган ижрочи қўлидан ҳеч нарса келмади, А.Саъдуллаев эса уйдан чиқиш тугул, пинак бузмай қурилишни давом эттираверди. Ижрочи Ш.Эргашевнинг кейинги уринишлари ҳам аввалгидек беписандлик билан якун топди: «Уйдан ҳам чиқмайман, ҳеч қандай қарорни тан ҳам олмайман!».

Биз шикоятни ўрганиш давомида Бахмал тумани суд ижрочилари бўлинмасида ҳам, туман прокуратурасида ҳам бўлдик. Фуқаролар билан гаплашдик. А.Саъдуллаевнинг фақат шу уйга қараб қолмагани, яъни ўзига тўқ инсон, тумандаги обрўли ташкилотнинг раҳбари эканлигини билиб олдик. У киши билан суҳбатлашиш учун иш жойига ва низоли уйга бордик. У ерда яшаётган оила аъзолари ва ишлаётганлардан сўраб-суриштирдик, телефон рақамимизни қолдирдик. Лекин у киши билан барибир боғлана олмадик, у ёқдан ҳам қўнғироқ бўлмади. Мана ўшанга ҳам бир ой вақт ўтди. А.Саъдуллаев юқоридаги суд ажримларини ҳануз бажаришдан бош тортмоқда, Бахмал туман суд ижрочилари бўлими ҳамда туман прокуратурасининг саъй-ҳаракатлари бесамар қолмоқда. Бир сўз билан айтганда, суд қарори бажарилмаяпти.

— Газетадан келасизми, бошқа жойдан келасизми, барибир, у киши ҳеч кимга қулоқ солмайди, ҳеч қандай ташкилотни тан олмайди, керак бўлса, сизни ҳам ёзади, — деган эди ўсматлик суҳбатдошлар.

Дарҳақиқат, шундайга ўхшайди. Бу ҳол кишини қаттиқ ўйга толдиради. Мансабдор шахс ҳисобланган А.Саъдуллаевнинг онгли равишда қонунни тан олмаслиги сабаби нимада? Ижронинг сустлигими, қонуннинг мўрт ишлашими, ижро механизми такомиллашмаганидами? Бу саволлар устида мутасадди идоралар ўйлаб кўрар. Аммо, мавжуд ҳолат оқибати яхшиликка олиб келмайди: одамлар кўз ўнгида давлат идораларининг обрўси тушади, қонун устуворлигига ишончсизлик туғилади, зўравонликка, қонунни тан олмасликка рағбат пайдо бўлади. Одамларда суддан ҳам, милициядан ҳам, прокуратурадан ҳам, ниҳоят қонундан ҳам баланд келиш мумкин экан, деган фикр шаклланади. Бундай ҳолатлар билан муросасозлик қилиш асло мумкин эмас, деб ўйлаймиз.

✧✧✧

Ўжарлик баъзан иш беради, деганлари Чуст туманидаги «Марҳамат» фермер хўжалиги мисолида ҳам тасдиғини топгандай. Бу фермер хўжалиги бир неча йиллардан бери қўшни «Қатор қир» фермер хўжалиги ерларини ўзбошимчалик билан эгаллаб, фойдаланиб келмоқда, ҳатто у ерда иморат ҳам кўтарилди. Ноқонуний йўл билан эгаллаб олинган ер майдонини қайтариб бериш ҳақида адлия бошқармаси тақдимномаси, туман ҳокимлигининг бу ҳақдаги қатор талаблари ва ниҳоят суд қарорининг ҳам «Марҳамат» фермер хўжалигига кучи етмаяпти.

Чуст тумани ҳокимлиги қарори билан 2003 йилда ташкил этилган «Қатор қир» фермер хўжалигининг ўзига тегишли 2,17 гектар ер майдонини қайтариб олиш ҳақдаги қатор талаблари «Марҳамат» фермер хўжалиги раҳбари томонидан рад бўлгач, масалани ўрганиб чиққан вилоят адлия бошқармаси 2005 йилнинг 25 декабрида Чуст тумани ҳокими Б.Юсупов номига тақдимнома киритди.

Унда жумладан шундай дейилади: **«Марҳамат» фермер хўжалиги 2006 йилда бошоқли дон етиштириш ва давлатга сотиш учун контрактация шартномаси тузиш учун рухсат берилган фермерлар рўйхатига қўшилмаган бўлса-да, фермер хўжалиги раҳбари Т.Маллаев ўзбошимчалик билан контрактация шартномасини тузмай, «Говасой» ширкат хўжалиги қишлоқ хўжалик харитасининг 237-контуридан 5,16 гектар ерига ҳамда юқорида айтилган низоли ерларнинг 3,77 гектарига (жами 8,93 га буғдой қонунсиз экилган) буғдой экиб олганлиги, шундан 1,60 гектар буғдой экилган ерлар 3,0 гектар (ўзига қарашли ерлар) майдон ичида бўлиб, қолган 2,17 гектар буғдой экилган ер майдонлари аризачи Соаталиев Дагарвой раҳбарлик қилган «Қатор қир» фермер хўжалигига тегишли ерларга экканлиги, бундан ташқари, «Қатор қир» фермер хўжалигига тегишли бўлган 0,04 гектар майдонга «Марҳамат» фермер хўжалиги раҳбари Т.Маллаев томонидан қурилиш ишлари олиб борилиб, ўзбошимчалик билан яшаш учун уй-жой қуриб олинганлиги аниқланди».**

Хуллас, тақдимномада ўзбошимча эгаллаб олинган ерни эгасига қайтариб олиб бериш, ўзбошимчалик билан қурилган уй-жойларни буздириш, ўзбошимчалик билан экилган 8,93 гектар буғдой учун контрактация шартномаси тузиш масаласини ҳал этиш талаб қилинди. Аммо, туман ҳокимлиги, туман прокуратураси томонидан тушунтириш ва огоҳлантириш ишлари олиб борилса-да, «Марҳамат» фермер хўжалиги раҳбари ўжарлиги ва ўзбошимчалигидан қайтмади. Фермер хўжалиги раҳбари Т.Маллаевга нисбатан юқоридаги ҳуқуқбузарликни содир этганлиги учун қўлланилган маъмурий жавобгарлик ҳам масалани ҳал эта олмади. Ниҳоят, иш судга ошди.

Наманган вилоят хўжалик суди 2007 йил 15 октябрь куни ўзбошимча эгаллаб олинган ерларни «Қатор қир» фермер хўжалигига қайтариш ва ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни бузиб ташлаш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.

— Биз ижрочилар билан суд қарорини ижро қилгани келганимизда жавобгар ерларни қайтариб бериш ва иморатларни бузиб олиш ҳақида ваъда берган эди, — дейди Д.Соаталиев. — Лекин, мана, қарийб бир йил бўлдики, еримни ҳам қайтариб олганим йўқ, иморат ҳам бузилмади.

Қизиқ, кишининг шахсий ўжарлиги туман ҳокимлиги, туман прокуратураси, вилоят адлия бошқармаси ва вилоят хўжалик суди талабларидан устун бўлса? Қонун талаблари ўзбошимчалик соясида қолиб кетаверса? Бундай ҳолат низолар авж олишига, тартибсизлик кўпайишига олиб келмайдими?

✧✧✧

Г.Маркарова 2002 йил 21 сентябрь куни ўзига тегишли Миробод тумани Миркамилова бошиберк кўчасидаги 18-уйни олди-сотди шартномаси билан эмас, ҳадя шартномаси билан Ине Пакка расмийлаштиради. Бунинг учун И.Пак унга 9 минг АҚШ доллари беради ҳамда 190890 сўм давлат божини тўлайди.

Бироз ўтиб БТИ ҳужжатларини расмийлаштиришга борган И.Пакка бу уй низоли эканлиги айтилади. Маълум бўлишича, уйнинг бир қисми уй эгасининг аввалги турмуш ўртоғига тегишли бўлиб, ҳадя шартномаси унинг иштирокисиз тузилган экан. Хуллас, у алдов тўрига тушиб қолган эди.

2003 йил 12 сентябрдаги Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг қарори билан юқоридаги ҳадя шартномаси бекор қилинди, томонлар дастлабки ҳолатга келтирилди ва Г.Маркарова зиммасига 9 минг АҚШ долларининг сўмдаги миқдори — 8806000 сўмни И.Пакка бериш мажбурияти юклатилди.

Лекин И.Пак орадан 5 йил ўтса-да, ҳануз тўлаган пулидан бир сўм ҳам қайтариб ололган эмас. Унга аллақачон ижро иши тўхтатилгани ҳақидаги суд ижрочиларининг хати келиб бўлган, яъни юқоридаги суммани ундиришнинг иложи бўлмаган, мулк йўқ эмиш.

Ҳеч кимга сир эмас, ижро масаласи мураккаблиги, иш ҳажми ниҳоятда кўплиги, ҳатто баъзан ижро механизми суд қарорларини тўлақонли бажариш учун ожиз қолаётгани ҳам бор гап. Лекин ижрочилар ҳар доим ҳам ўз ишига астойдил ёндашаяптилар, деб бўлмаслигини ҳам тан олиш керак. Ҳали ижрочиларнинг аксарияти тажрибаси етарли бўлмаган ёш ходимлар эканлигини ҳам эслатиб ўтиш жоиз. Хуллас, ижро масаласида объектив-субъектив муаммолар йўқ эмас.

Аммо, баҳона ёки сабаб қидириш билан иш битмайди. Негаки, ижро суднинг нуфузию қонун устунлиги билан боғлиқ масала. Суд қарори ижро қилинмаса, қонун устуворлиги ҳақида гапириш ортиқча.

Шу ўринда бир масалага эътибор қаратиш лозим. И.Пак беш йилдан бери суд қарорида кўрсатилган суммани ололмаяпти. У ўзи билан ҳадя шартномаси тузилгандан сўнг Г.Маркарова унинг пулига Юнусобод тумани М-5, 50-уйдаги 58-хонадон сотиб олингани ва кейинчалик ушбу хонадон 2003 йил 30 августда Г.Маркарованинг қизи Э.Маркаровага ҳадя қилингани тўғрисида турли идораларга ариза ёзади. Фуқаролик кодексининг 1156-моддасини қўллаб, қарзни қарздорнинг меросхўрларидан ундиришни талаб қилади. Ёхуд ҳадя қилинган Миробод туманидаги ўша 18-уйнинг бир қисмини унга беришни сўраган. Биз бу талаблар асосли демоқчи эмасмиз. Аммо, суд қарорининг бажарилиши учун аслида ижрочилар кўпроқ ҳаракат қилиши, имкон излаши керак эмасми?..

Биз юқорида ижро этилмаётган суд ҳужжатлари ва уларнинг оқибатлари ҳақидаги айрим мисоллар устида қисқача мулоҳаза юритдик. Суд қарорлари ижроси ойлаб, йиллаб чўзилиб келаётгани ҳақида шикоятлар оз эмаслигини инкор этиб бўлмайди. Бунинг сабаблари ҳам кўп албатта. Аммо, мазкур муаммолар ечимини топишга, ижрони таъминлашга масъул идоралар бор-ку!

Акбар ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЗАМОНАВИЙ БИЛИМ МАСКАНИ

Зомин тумани марказидаги математика, физика, химия, биология ва чет тили фанларига ихтисослашган иқтидорли болалар мактаби Жиззах вилоятида машҳур. Чунки кўпчилик бу мактабда ўқишни олий ўқув юртига кириш учун эшикнинг очилиши деб ҳисоблайди.

— Шу мактабда ўқиган икки набирам пойтахтдаги нуфузли университетларга ўқишга кирди, — дейди зоминлик меҳнат фахрийси Эргаш Оқмуродов. — Шунинг учун яна бир набирамни шу мактабда ўқитяпмиз. Мактаб ўқитувчиларининг фидойилиги, ўз ишига масъулият билан ёндашиши бизни қувонтиради.

Дарҳақиқат, ҳар йили мазкур мактаб битирувчиларининг 85-90 фоизи республикамиздаги олий ўқув юртларида ўқишни давом эттирмоқда.

Бугунги кунда 300 дан зиёд ўғил-қиз таълим олаётган мазкур мактабнинг моддий-техника базаси мустаҳкам. Синфхоналар, лабораториялар зарур анжомлар билан жиҳозланган. Ўқувчиларнинг дарсларни ўзлаштириш даражаси юқори, натижалар мақтовга лойиқ. Ҳар йили фан олимпиадаларида юқори ўринларни эгаллаб, олий ўқув юрти талабасига айланаётган ўқувчилар сони кўпайиб бораётир.

— Ҳусан ака фанни ўқитишда ва ёшлар билан ишлашда ўзига хос тажрибага эга, — дейди «Шуҳрат» медали соҳиби, ўқитувчи Абдусодиқ Боймуродов. — Устоз ёшлар қалбига софлик, ҳалоллик, она Ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик каби туйғуларни сингдиришга ҳаракат қилади. Ҳусан ака тарбиянинг энг таъсирчан йўли тарбиячининг шахсий ибрати эканини доимо уқтириб келади ва ўзи бу қоидага ишда ҳам, шахсий ҳаётда қатъий амал қилади.

Фидойи муаллим, зиёли оила бошлиғи — Ҳусан Йўлдошевнинг турмуш ўртоғи Саодат опа ҳам тажрибали педагоглардан. Ота ва она — андоза, деганларидек, ўғил-қизлари ҳам илм йўлини танлаган.


Ҳусан ака 40 йиллик педагогик фаолиятининг самарасидан, шогирдларининг, фарзандларининг камолидан ғурурланиб, янада ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири



Бухоро вилояти ҳокимлиги халқ таълими бошқармаси жамоаси

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ходимларини, кўз нури ва қалб қўрини, бутун борлиғини ўқитувчиликдек олижаноб касбга бағишлаб, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар, она-Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга интилаётган барча-барча муаллимларни, фидойи устозлар ва мураббийларни қутлуғ байрамлари билан самимий табриклайди.



Азиз ҳамкасблар, муҳтарам устозлар!
Бу йилги байрам яна шуниси билан қувончлики, халқимиз биз билан бирга, ҳидоятли айём — Рамазон ҳайитини ҳам кенг нишонлаётир. Шукроналик ва шодмонлик байрами бўсағасида туриб, ҳаммангизга узоқ умр, бахт-саодат, оилавий хотиржамлик тилаймиз!



Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2009 йилда қуйидаги иншоотлар қурилиши учун пудратчи ташкилотни танлаш бўйича очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

1. Денов туманидаги 216 ўқувчи ўринли 94-сонли янги мактаб ва 9х18 м. спорт зали қурилиши.

2. Бандихон туманидаги 270 ўқувчи ўринли 27-сонли янги мактаб ва 9х18 м. спорт зали қурилиши.

Лот 1-1. Денов туманидаги 450 ўқувчи ўринли 14-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш ва 12х24 м. ўлчамдаги спорт зали қурилиши.

Лот 1-2. Қумқўрғон туманидаги 480 ўқувчи ўринли 12-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 1-3. Қумқўрғон туманидаги 300 ўқувчи ўринли 48-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш ва 9х18 м. ўлчамдаги спорт зали қурилиши.

Лот 1-4. Қумқўрғон туманидаги 240 ўқувчи ўринли 52-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш ва 9х18 м. ўлчамдаги спорт зали қурилиши.

Лот 2-1. Бандихон туманидаги 160 ўқувчи ўринли 25-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 2-2. Бандихон туманидаги 160 ўқувчи ўринли 18-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 2-3. Қизириқ туманидаги 280 ўқувчи ўринли 41-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 2-4. Қизириқ туманидаги 140 ўқувчи ўринли 39-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 3-1. Денов туманидаги 540 ўқувчи ўринли 10-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 3-2. Жарқўрғон туманидаги 160 ўқувчи ўринли 45-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 3-3. Қумқўрғон туманидаги 240 ўқувчи ўринли 44-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш ва 9х18 м. ўлчамдаги спорт зали қурилиши.

Лот 3-4. Қумқўрғон туманидаги 480 ўқувчи ўринли 46-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 4-1. Термиз шаҳридаги 360 ўқувчи ўринли 6-сонли мактаб-интернат биносини (100 ўринли ётоқхонаси билан биргаликда) капитал реконструкция қилиш.

Лот 4-2. Бойсун туманидаги 180 ўқувчи ўринли 55-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 4-3. Денов туманидаги 210 ўқувчи ўринли 3-сонли мактаб-интернат биносини капитал реконструкция қилиш ва 9х18 м. ўлчамдаги спорт зали қурилиши.

Лот 4-4. Денов туманидаги 290 ўқувчи ўринли 13-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш ва 9х18 м. ўлчамдаги спорт зали қурилиши.

Лот 5-1. Денов туманидаги 540 ўқувчи ўринли 25-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 5-2. Денов туманидаги 480 ўқувчи ўринли 32-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш ва 12х24 м. ўлчамдаги спорт зали қурилиши.

Лот 5-3. Жарқўрғон туманидаги 160 ўқувчи ўринли 29-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 5-4. Жарқўрғон туманидаги 740 ўқувчи ўринли 33-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 6-1. Жарқўрғон туманидаги 200 ўқувчи ўринли 34-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш ва 9х18 м. спорт зали қурилиши.

Лот 6-2. Жарқўрғон туманидаги 280 ўқувчи ўринли 53-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 6-3. Жарқўрғон туманидаги 510 ўқувчи ўринли 56-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 6-4. Қумқўрғон туманидаги 340 ўқувчи ўринли 43-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 7-1. Қумқўрғон туманидаги 220 ўқувчи ўринли 61-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 7-2. Музрабод туманидаги 280 ўқувчи ўринли 10-сонли мактаб-интернат биносини капитал реконструкция қилиш ва 9х18 м. спорт зали қурилиши.

Лот 7-3. Музрабод туманидаги 280 ўқувчи ўринли 19-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 7-4. Музрабод туманидаги 240 ўқувчи ўринли 30-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 8-1. Музрабод туманидаги 280 ўқувчи ўринли 36-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш ва 9х18 м. ўлчамдаги спорт зали қурилиши.

Лот 8-2. Термиз туманидаги 180 ўқувчи ўринли 1-сонли футбол мактаб-интернат биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 8-3. Термиз туманидаги 385 ўқувчи ўринли 4-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш ва 12х24 м. ўлчамдаги спорт зали қурилиши.

Лот 8-4. Термиз туманидаги 585 ўқувчи ўринли 7-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш ва 12х24 м. ўлчамдаги спорт зали қурилиши.

Лот 9-1. Термиз туманидаги 370 ўқувчи ўринли 14-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 9-2. Узун туманидаги 240 ўқувчи ўринли 4-сонли мактаб-интернат биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 9-3. Шўрчи туманидаги 420 ўқувчи ўринли 4-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 9-4. Шўрчи туманидаги 360 ўқувчи ўринли 12-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 10-1. Шўрчи туманидаги 780 ўқувчи ўринли 17-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш ва 12х24 м. ўлчамдаги спорт зали қурилиши.

Лот 10-2. Шўрчи туманидаги 270 ўқувчи ўринли 26-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 10-3. Шўрчи туманидаги 440 ўқувчи ўринли 30-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 10-4. Сариосиё туманидаги 160 ўқувчи ўринли 54-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 11-1. Сариосиё туманидаги 330 ўқувчи ўринли 24-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 11-2. Сариосиё туманидаги 200 ўқувчи ўринли 53-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 11-3. Сариосиё туманидаги 140 ўқувчи ўринли 12-сонли мактаб филиали биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 11-4. Олтинсой туманидаги 240 ўқувчи ўринли 21-сонли мактаб филиали биносини капитал реконструкция қилиш ва 9х18 м. ўлчамдаги спорт зали қурилиши.

Лот 12-1. Шеробод туманидаги 210 ўқувчи ўринли 9-сонли мактаб-интернат биносини капитал реконструкция қилиш ва 9х18 м. ўлчамдаги спорт зал қурилиши.

Лот 12-2. Шеробод туманидаги 120 ўқувчи ўринли 63-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 12-3. Шеробод туманидаги 300 ўқувчи ўринли 46-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 13-1. Шеробод туманидаги 180 ўқувчи ўринли 65-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.

Лот 13-2. Бандихон туманидаги 300 ўқувчи ўринли 11-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш ва 9х18 м. ўлчамдаги спорт зали қурилиши.

Лот 13-3. Қизириқ туманидаги 320 ўқувчи ўринли 46-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.

Иншоотларнинг қурилиш муддати — 2009 йил 1 август.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел/факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Республика мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар-(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига, қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй. Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: — Термиз шаҳар, А.Бакуменко кўчаси, 69-уйда **ўтказилади.**

✓ Истиқлол имкониятлари

ДЕҲҚОНОБОДДА УЛКАН ҚУРИЛИШ

Юртимизда кечаётган ҳар бир ўзгариш қалбимизда ғурур туйғулари уйғотади

Маҳмуджон Қаюмов узоқ йиллардан буён Шаҳрисабздаги электр тизимларини бунёд этадиган қурилиш ташкилотида меҳнат қилади.

— Ташкилотимиз Деҳқонободда қурилаётган калийли ўғитлар заводи учун зарур электр тизимлари тортиб боришда фаол, — дейди у. — Бир неча ой ичида ўзимизга ажратилган ишларни бажариб бўлдик. Ўзингиз биласиз, тоғ шароитида симёғочлар тиклаш, сим тортиб бориш осон эмас. Ана шундай вазифани уддалаганимиз билан фахрланамиз...

Дарвоқе, Қашқадарё воҳасида амалга оширила бошланган йирик инвестицион лойиҳа — Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи келгусида юртимиз қудратига қудрат қўшади. Қишлоқ хўжалигига энг зарур маҳсулотлардан бири — калийли ўғитларни ўзимизда тайёрлаш ва четга ҳам экспорт қилиш имкони туғилади.

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясига қарашли қурилиш ташкилотлари корхонанинг электр таъминотига хизмат қилувчи тизимни барпо этиб бўлди. Қисқа фурсатда 5,32 километр узунликдаги юқори кучланишда электр узатиш ҳаво линияси, шунингдек, 33,7 километр узунликдаги икки занжирли ҳаво линиялари тортиб келинди. Ҳар бирининг қуввати 10 минг кВАга тенг, икки трансформаторли «ДКУЗ» ва қуввати 6,3 минг кВАга тенг икки трансформаторли «Рудник» кичик станциялари фойдаланишга топширилди.

— Бу улкан ишларнинг бажарилиши айни кунларда тоғ-кон мажмуида ерости ишларига киришиш, махсус механизмларни ишлатиш имконини беради, — дейди **вилоят архитектура-қурилиш назорат инспекцияси бошлиғи Акром Бобожонов.** — Бундан ташқари, завод қурилиши учун зарур инфратузилмани барпо этиш ишлари ҳам жадал олиб борилмоқда.

Мустақиллигимизнинг қутлуғ 17 йиллиги байрами арафасида бўлажак заводнинг ишчилар қўрғончасида 10 ўринли меҳмонхона, 50 кишига мўлжалланган ётоқхона, ҳар бирида иккитадан оила яшайдиган 5 та уй қурилиши ҳам ниҳоясига етди. Бу ишда фаол қатнашган «Қашқадарёнефтгазқурилиштаъмирлаш» очиқ ҳиссадорлик жамияти жамоаси 3 миллиард сўмдан ошиқ капитал маблағга тенг бунёдкорлик ишларини бажаришди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ Иқтисодиёт ва ислоҳот

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ташкил этилгандан буён ўтган ўн етти йил мобайнида янгиланиш жараёнининг доимий иштирокчиси сифатида фаол ҳаракат қилиб келмоқда. Иқтисодиётнинг реал секторига молиявий ёрдам бериш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатига жалб этиш, филиаллар тармоғини янада кенгайтириш орқали белгиланган бизнес режа кўрсаткичларининг тўлиқ бажарилишига эришиш Миллий банкнинг асосий вазифасидир. Шу боис банк жамоаси аллақачон ўз мижозларининг эътирофига сазовор бўлган.

ЭНГ АСОСИЙ МЕЗОН

мижозлар эътирофи

Айниқса, банкнинг Урганч бўлими жамоаси қўлга киритаётган муваффақиятларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Вилоятнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилаётган корхоналарни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш йўлида қатор изланишлар олиб борилаётир. Банк мижозлари ҳисобланмиш ўн иккита корхона экспортга маҳсулот чиқараётгани фикримиз далилидир.

— Бундан роппа-роса уч ярим йил аввал Миллий банкнинг Урганч бўлимидан пахта толасини қайта ишлаб, ипкалава тайёрлашга мослашган дастгоҳ ва технологик линияларни хориждан сотиб олиш учун 4,8 млн. АҚШ доллари, яъни ўша пайтдаги ҳисоб бўйича беш миллиард уч юз йигирма миллион сўм миқдорида кредит олгандик, — дейди «Хоразм — Нуртоп» қўшма корхонаси раҳбари Пўлат Сафаров. — Ушбу маблағ ёрдамида корхонамизда жиддий ислоҳотлар амалга оширилди. Негаки, замонавий технологик линияларни ўрнатганимиз боис меҳнат унумдорлиги ошди, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, сифати яхшиланди. Маҳсулотларимизга эса хориждан ҳам харидорлар кела бошлади. Оқибатда даромад кўпайди. Дарвоқе, олинган кредит эса аллақачон сўндириб бўлинди. Бизда дастлабки даврларда 90 киши меҳнат қилган бўлса, эндиликда яна 50 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

«Гиштташминот» масъулияти чекланган жамиятига эса пишиқ ғишт ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш мақсадида Хитой Халқ Республикасидаги фирмалардан бири билан шартнома тузилиб, технологик линиялар сотиб олишга қарор қилинди. Банк томонидан ушбу лойиҳа тўла қўллаб-қувватланиб, 102 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратиш маъқулланди. Бундан ташқари, «Дилшодғиштқурилиш» МЧЖ лойиҳасини амалга ошириш, керакли машина ва ускуналар, хом ашё ва материаллар олиш учун уч йил муддатга 30 миллион сўм маблағ берилди. Эндиликда вилоят қурилишларига кўплаб ғишт етказиб бериш билан бир қаторда, яқин хорижга ҳам сифатли маҳсулотлар жўнатилмоқда.

Хорижий инвестиция иштирокидаги «Урганчёғ» очиқ акциядорлик жамияти ҳам технологик линияларни янгилаш мақсадида банкдан 1 миллиард сўм узоқ муддатли кредит олишган.

Болтабой Қурёзов раҳбарлигидаги «Хоразм дизайнери» хусусий корхонасига эса банк томонидан 45 миллион сўм кредит ажратиб берилган.

Мижозлардан яна бири — «Хоразм Буян» масъулияти чекланган жамият бугунги кунда АҚШ ва Германияга буян илдизини экспорт қилмоқда. Экспортга маҳсулот жўнатиш юзасидан Туркия, Италия, Россия, Бельгия, Швейцария, Украина ва бошқа давлатлар билан қатор шартномалар тузилган.

Ҳозирги вақтда ички истеъмол бозорини маҳаллий хом ашё ва қайта ишлаб тайёрланган товарлар билан тўлдириш ва юксак даражадаги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу соҳада банк кредит сиёсатини изчиллик билан амалга оширмоқда. Кредит портфелининг тармоқ структураси қуйидаги кўринишга эга:

2008 йил 1 июль ҳолатига жами кредит қўйилмаси 13 млрд. 740,6 млн. сўмни ташкил қилиб, шундан 2 млрд. 076,8 млн. сўми қисқа муддатли кредитлар, 11 млрд. 663,7 млн. сўми узоқ муддатли кредитлар ҳисобланади.

Банк томонидан ажратилган кредитлар асосан халқ хўжалигининг қуйидаги соҳалари бўйича йўналтирилган: саноатга 1 млрд. 527,3 млн. сўм; қишлоқ хўжалигига 6 млрд. 668,3 млн. сўм; тайёрловга 1 млрд. 267,4 млн. сўм; транспорт ва алоқа учун 156,3 млн. сўм; қурилишга 97,1 млрд. сўм; савдо ва умумий овқатланишга 454,0 млн. сўм; моддий-техника таъминотига 227,8 млн. сўм; маиший хизматга 36,3 млн. сўм; бошқа соҳаларга 3 млрд. 306,0 млн. сўм.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 14 апрелдаги «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бўйича 2008 йил 1 июль ҳолатига Миллий банк Урганч бўлими томонидан ғалла ҳосилини етиштириш бўйича 514 та фермер хўжалигига 576,7 млн. сўм ва пахта ҳосилини етиштириш учун 1150 та фермер хўжалигига 5 млрд. 538,3 млн. сўм кредитлар ажратилди.

Шу билан бирга, деҳқон ва фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалик техникасини сотиб олишда амалий ёрдам берилди. Кўплаб лизинг операциялари бажарилди.

Банк жамоаси қишлоқ хўжалиги корхоналари молиявий барқарорлигини ошириш, мижозлар фаолиятини ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшаётир. Шериклар билан аниқ ҳисоб-китоб ишларини олиб бориш, бизнес-режа ва бошқа ҳужжатларни юритиш борасида уларга зарур маслаҳатлар берилмоқда, сифатли хизматлар кўрсатилаётир. Масалан, Искандар Аллаёров раҳбарлигидаги «Қодир Аллаёр», Улуғбек Асқаров бошлиқ «Асқаров Наримон», Ғайрат Болтаев бошлиқ «Миришкор» фермер хўжаликларига ҳар бири 166 млн. сўмлик Германиядан келтирилган «Класс Доминатор» ғалла ўриш комбайнлари қарзни етти йил муддатда узиш шарти билан олиб берилди.

Чорвадор фермерлар ҳам маблағ сўраб, миллий банк бўлимига мурожаат қилмоқдалар. Жумладан, Янгибозор туманида фаолият олиб бораётган Йўлдош Абдуллаев раҳбарлигидаги «Амударё» ҳамда ҳазорасплик Шокир Саъдуллаев бошчилик қилаётган «Ҳофиз» фермер хўжаликлари банкдан каттагина кредит олиб, зотли қорамоллар сотиб олдилар.

Пул муомаласини ташкил қилиш ва миллий валютамиз — сўмнинг барқарорлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида мижозларнинг иш ҳақлари ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда почта алоқа тармоқлари орқали етказиладиган пенсия, нафақа пуллари ўз вақтида берилмоқда. Нақд пулнинг банкдан ташқари айланмасини янада қисқартириш, мижозларнинг биринчи талаби бўйича нақд пул билан узлуксиз таъминлаш борасида ҳам ижобий натижаларга эришилаётир.

Миллий банк Урганч бўлимида 2008 йил 1 июль ҳолатига касса кирим қисми жами 42 млрд. 253,7 млн. сўм кўрсаткичга эга бўлди. Нақд пул тушуми ўтган йилга нисбатан 2 бараварга кўпайишига эришилди. Кўрилган амалий чора-тадбирлар натижасида 2008 йил январь-июнь ойларида аҳолига пенсия, нафақа тўловлари, бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақи тўловлари молиялаштирилган маблағлар доирасида тўлиқ таъминланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги Қароридан келиб чиққан ҳолда, кундалик нақд пул маблағлари келиб тушиши устидан доимий мониторинг амалга оширилиб, нақд пул ҳисоб-китоблари ҳолати таҳлил қилиниб, улар ўз вақтида бериб борилмоқда. Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг депозит ҳисоб рақамларидаги нақд пул маблағлари (яъни бирламчи иш ҳақи, пенсия ва нафақалар) берилиши устидан кундалик назорат ўрнатилиб, ўз вақтида ажратиб бериляпти.

Банк бўлими Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлари ва талаблари юзасидан, яъни аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга қабул қилиш, омонатларнинг янги турларини жорий қилиш ва бу борада омонатчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда муайян ишларни амалга оширмоқда. Жисмоний шахслар учун қисқа ва узоқ муддатли «Талаб қилиб олгунча», «NBU Классик» ҳамда «Келажак», «Кўклам», «Баҳорги» омонат турлари жорий қилинди. 2008 йилнинг 1 июль ҳолатига миллий сўмда очилган омонат ҳисоб варақлари сони жами 43440 тани ва ундаги қолдиқ 4 млрд. 608 млн. сўмни ташкил қилади. Шунингдек, жисмоний шахсларнинг ўз пул маблағларини «ихчам» сақлаш ва тезкор фойдаланиши мақсадида 35175 дона пластик карточкалари очилган. Ушбу омонат бўйича қолдиқ 761 млн. 470 минг сўмни ташкил қилади.

Чет эл валюталарини аҳолига тез етказиш ва замонавий банк хизмати турларини кўпайтириш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. «Western-Union», «Азия Экспресс», «MIGOM», «CONTACT» каби пул ўтказиш тизимлари фаолият олиб бормоқда. Жумладан, Урганч бўлимида 2 та, Хива, Гурлан, Хазорасп, Шовот, Хонқа ва Янгиариқ филиалларида биттадан пул ўтказмалари шохобчалари очилган.

Хуллас, халқимизга, ишбилармону тадбиркорларга, фермер деҳқонларга сидқидилдан, холис ният билан хизмат қилаётган Миллий банк Урганч бўлими иқтисодий ислоҳотларга муносиб ҳисса қўшишга интилмоқда.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

✓ Қилмиш-қидирмиш

НАФС БАЛОСИ

Мўминжон Йўлдошев тадбиркорликни йўлга қўйиш учун роса елиб-югуриб, ниҳоят, мақсадига эришди: «LEASING-TORGBROK» масъулияти чекланган жамият тузиб, раҳбар бўлди. Ўзига ўхшаб муқаддам судланган Отабек Жўраевни эса бош ҳисобчи қилиб ишга олди.

Тўғри, аввал бошда икковлоннинг хатти-ҳаракатига ҳавас қилганлар ҳам бўлди. Негаки, бугунги кунда жамият, кичик корхона, фирма ташкил этиб, ҳалол даромад топаётганлар озмунча эмас-да. Лекин мазкур жамият раҳбари ва бош ҳисобчиси даромад топишнинг эгри йўлидан боришди. Яъни, жамият томонидан амалга оширилган товар айланмаларини яширишди. Оқибатда...

— Биз улгуржи савдо билан шуғулланардик, — дейди жамият раҳбари тергов жараёнида. — Менинг асосий вазифам — ташкилотлар, жамиятлар ва фирмалар билан шартномалар тузиб, керакли маҳсулотларни етказиб бериш эди. Айни пайтда банк амалиётларини бажариш, солиқ ва бошқа органларга ҳисоботларни ўз вақтида топшириш ҳам зиммамдаги муҳим вазифа эди.

Хўш, жамият раҳбари зиммасидаги вазифани қонун доирасида бажардими? Афсуски, йўқ. 2006 йил якуни бўйича давлат солиқ инспекциясига топширилган ҳисоботда жамият томонидан амалга оширилган 1.201.331.386 сўмлик товар айланмалари яширилган. Бундан ташқари, Мўминжон Йўлдошев билан Отабек Жўраев МЧЖда 2006 йил 11 октябрда ва 2007 йил 30 июлда ўтказилган текширишларда яна бир ғаройиб «операция»ни пинҳон тутишган. Гап шундаки, улар 2006 йилда жамият билан «Чортоқ машинасозлиги» МЧЖ ўртасида амалга оширилган 156.099.210 сўмлик товар айланмаларига оид ҳужжатларни текширувчиларга тақдим этишмаган.

Фақат фойда кўришни ўйлаган шоввозлар найранги узоққа чўзилмади. Нафсга эрк бериб, мансаб ваколатини суиистеъмол қилганликлари, давлат ва жамият манфаатларига катта миқдорда зарар етказганликлари, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қасддан бўйин товлаб келганликлари учун суд уларга қонуний жазо тайинлади.

Фойда кетидан қувиб, қонунни четлаб ўтмоқчи бўлганлар адашишди. Уларнинг қисмати бошқаларга ҳам сабоқ бўлади деб ўйлаймиз.

Илҳом ЯКУББАЕВ,
Наманган шаҳар прокуратураси катта терговчиси.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи: Касб-ҳунар коллежлари қурилиши, «калити билан»
1	Фарғона вилояти, Қува тумани, Олтиариқ қишлоғидаги 795/100 ўқувчи ўринли
2	Фарғона вилояти, Охунбобоев тумани, Хўжаариқ қишлоғидаги 615/50 ўқувчи ўринли
3	Фарғона вилояти, Риштон тумани, Зоҳидон қишлоғидаги 795/50 ўқувчи ўринли
4	Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани, Кулэлаш қишлоғидаги 795/50 ўқувчи ўринли
5	Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Қумбости қишлоғидаги 615/50 ўқувчи ўринли
6	Фарғона вилояти, Қувасой шаҳар, Қўчқорчи қишлоғидаги 585/50 ўқувчи ўринли
7	Фарғона вилояти, Бағдод тумани, Пахтачи қишлоғидаги 615/50 ўқувчи ўринли
8	Фарғона вилояти, Риштон тумани, Бужай қишлоғидаги 825/50 ўқувчи ўринли
9	Фарғона вилояти, Фарғона шаҳридаги 405 ўқувчи ўринли

Муддати — 10.08.2009 йил.

Буюртмачи: Фарғона вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Фарғона шаҳар, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, **телефон:** 224-24-33.

Умумий қурилиш ишлари Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқга эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича:

Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, (Фарғона вилоят «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси биноси), телефон: **224-18-76,** факс: **224-74-20** мурожаат қилишлари мумкин.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

ОИЛА САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар бугунги кунда ўз самарасини бераётир.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, тиббиёт масканларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, хусусан ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етказиш ишларига катта эътибор қаратилмоқда.

Оролбўйида оналар ва болалар соғлиғини сақлаш мақсадида «Соғлом оила — соғлом она — соғлом бола» шиори остида 1 ёшдан 5 ёшгача бўлган болаларни соғломлаштириш ҳафталиги ўтказилди. Унда Қорақалпоғистондаги кўплаб тиббиёт муассасалари қатори Нукус шаҳридаги 1-оилавий поликлиника ҳам муваффақиятли иштирок этди.

Шаҳарнинг «Ақ жағис», «Жедели бойсун-1», «Жедели бойсун-2» маҳаллалари аҳолисига хизмат кўрсатиб келаётган мазкур даволаш муассасасида 18 нафар шифокор ва 40 нафар ҳамшира меҳнат қилади. Улар биринчи навбатда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, она ва бола соғлиғини сақлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

— ЮНИСЕФ кўмагида ҳар йили баҳор ва куз ойларида болаларни А витамини билан даволаш ҳафталиги ўтказиб келинади, — дейди оилавий поликлиника бош шифокори Сапаргул Мамбетмуратова. — Бундан кўзланган мақсад болажонларнинг соғлом ўсиб ривожланишини таъминлаш ва уларнинг организмида иммунитетни кучайтиришдан иборат.

Даволаш маркази шифокорлари маҳаллалардаги ҳар бир оиланинг аҳволидан яхши хабардор бўлгани боис, ҳафталик давомида амалга оширилган ишлар яхши самара бермоқда.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири

КРЕДИТОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Қашқадарё вилоят хўжалик судининг 18-0501/4340-сонли иши бўйича 2006 йил 17 ноябрь куни қабул қилган ҳал қилувчи қарори билан банкрот деб топилган «Шаҳрисабз консерва» очиқ акциядорлик жамиятининг (СТИР 200672741) тугатиш бошқарувчиси Маннопов А., хўжалик судининг 2008 йил 15 август куни қабул қилган ажрими билан вазифасидан озод этилган.

Хўжалик судининг мазкур иш бўйича 2008 йил 20 август куни қабул қилган ажрими билан тугатиш бошқарувчиси этиб Холмуродов Шавкат Бўриевич тайинланган.

Қарздор корхона — «Шаҳрисабз консерва» ОАЖ кредиторларининг умумий йиғилиши 2008 йил 3 октябрь куни соат 10.00 да корхона маъмурий биносида бўлиб ўтади. Кредиторлар вакилларини рўйхатга олиш 3 октябрь куни соат 9.00 бошланади.

Манзил: Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Н.Нугаев кўчаси, 1-уй.

Йиғилиш кун тартибига қўйилган масалалар:

1. Тугатиш бошқарувчисининг аукцион савдо якунлари бўйича ҳисоботи.

2. Бошқа масалалар.

Кредиторлар вакилларининг тегишли тартибда расмийлаштирилган ишончнома ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан қатнашишлари сўралади.

Маълумот учун телефонлар: (8-375) 522-83-83, 526-45-75

Тугатиш бошқарувчиси.

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Газдевайс» АЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:

- **горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);**
- **буғ қозонлари (соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);**
- **икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);**
- **ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);**
- **ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);**
- **ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).**

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.
Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:

1. **Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторида жойлашган 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 233-44-73.**
2. **Тошкент ш., Т. Шевченко кўчаси, 34-уй, чап қатордаги 3-дўкон.**

Мўлжал: Perfectum mobile. Тел.: 252-20-73.

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЖАМОАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ходимларини ҳамда барча ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган фидойи ўқитувчи-мураббийларни

1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин дилдан муборакбод этади.

Ватанимиз тараққиёти йўлида ҳалол хизмат қилаётган барча устозларга сиҳат-саломатлик, куч-қувват, омад ва муваффақиятлар тилаймиз!



Байрамингиз муборак бўлсин, азиз ҳамкасблар!

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи: Умумтаълим мактабини капитал реконструкциялаш, «ҚМИ»га
	ЛОТ-1:
1-1	Қўқон шаҳар, Бахмалбоб кўчасидаги 360 ўринли 13-сонли мактаб
1-2	Фурқат тумани, Кичик-янги қишлоғидаги 490 ўринли 14-сонли мактаб
1-3	Фурқат тумани, Катта-янги қишлоғидаги 450 ўринли 15-сонли мактаб
1-4	Ёзёвон тумани, Қумқишлоқ қишлоғидаги 210 ўринли 37-сонли мактаб
1-5	Ёзёвон тумани, Хонобод қишлоғидаги 236 ўринли 15-сонли мактаб
	ЛОТ-2:
2-1	Қўқон шаҳар, Нақшбандий кўчасидаги 480 ўринли 32-сонли мактаб
2-2	Учкўприк тумани, Тошкентлигулзор қишлоғидаги 536 ўринли 18-сонли мактаб
2-3	Учкўприк тумани, Оқтепа қишлоғидаги 120 ўринли 41-сонли мактаб
2-4	Фурқат тумани, Қудуқдўппи қишлоғидаги 330 ўринли 3-сонли мактаб
2-5	Фурқат тумани, Ардашхон қишлоғидаги 240 ўринли 33-сонли мактаб
	ЛОТ-3:
3-1	Олтиариқ тумани, Ҳамза қишлоғидаги 500 ўринли 1-сонли мактаб
3-2	Охунбобоев тумани, Хумдон қишлоғидаги 180 ўринли 3-сонли мактаб
3-3	Охунбобоев тумани, Майдамиллат қишлоғидаги 160 ўринли 31-сонли мактаб
3-4	Охунбобоев тумани, Эшонгузар қишлоғидаги 720 ўринли 49-сонли мактаб
3-5	Охунбобоев тумани, Эшонгузар қишлоғидаги 530 ўринли 47-сонли мактаб
	ЛОТ-4:
4-1	Бешариқ тумани, Қашқар қишлоғидаги 540 ўринли 29-сонли мактаб
4-2	Бешариқ тумани, Янги қишлоқ қишлоғидаги 200 ўринли 48-сонли мактаб
4-3	Бешариқ тумани, Серак қишлоғидаги 370 ўринли 35-сонли мактаб
4-4	Бувайда тумани, Зарбдор қишлоғидаги 380 ўринли 47-сонли мактаб
4-5	Бувайда тумани, Шўрқишлоқ қишлоғидаги 210 ўринли 50-сонли мактаб
	ЛОТ-5:
5-1	Ўзбекистон тумани, Қумбосди қишлоғидаги 320 ўринли 45-сонли мактаб
5-2	Ўзбекистон тумани, Дарвишобод қишлоғидаги 320 ўринли 23-сонли мактаб
5-3	Ўзбекистон тумани, Қайнар қишлоғидаги 300 ўринли 56-сонли мактаб
5-4	Учкўприк тумани, Янгиер қишлоғидаги 330 ўринли 50-сонли мактаб
5-5	Учкўприк тумани, Янгиобод қишлоғидаги 200 ўринли 49-сонли мактаб
	ЛОТ-6:
6-1	Данғара тумани, Абдусамад қишлоғидаги 400 ўринли 11-сонли мактаб
6-2	Данғара тумани, Темур қишлоғидаги 420 ўринли 22-сонли мактаб
6-3	Данғара тумани, Бўриқум қишлоғидаги 260 ўринли 37-сонли мактаб
6-4	Данғара туманидаги 320 ўринли 23-сонли мактаб
6-5	Қува тумани, Қорашоҳ қишлоғидаги 420 ўринли 44-сонли мактаб
	ЛОТ-7:
7-1	Бағдод тумани, Жарқишлоқ қишлоғидаги 120 ўринли 52-сонли мактаб
7-2	Тошлоқ тумани, Дўстлик қишлоғидаги 190 ўринли 38-сонли мактаб
7-3	Тошлоқ тумани, Араб-Мирзо қишлоғидаги 725 ўринли 30-сонли мактаб
7-4	Тошлоқ тумани, Варзак қишлоғидаги 650 ўринли 33-сонли мактаб
7-5	Тошлоқ тумани, Хонариқ қишлоғидаги 450 ўринли 24-сонли мактаб
	ЛОТ-8:
8-1	Бағдод тумани, Навбаҳор қишлоғидаги 160 ўринли 7-сонли мактаб
8-2	Бағдод тумани, Чўлюнус қишлоғидаги 310 ўринли 31-сонли мактаб
8-3	Фарғона тумани, Қалайбола қишлоғидаги 160 ўринли 35-сонли мактаб
8-4	Фарғона тумани, Қалача қишлоғидаги 210 ўринли 36-сонли мактаб
8-5	Фарғона тумани, Зарбдор қишлоғидаги 120 ўринли 57-сонли мактаб
	ЛОТ-9:
9-1	Қувасой шаҳар, Гиёсобод қишлоғидаги 210 ўринли 23-сонли мактаб
9-2	Фарғона шаҳридаги 550 ўринли 36-сонли мактаб
9-3	Фарғона шаҳар, Қува кўчасидаги 690 ўринли 33-сонли мактаб
9-4	Олтиариқ тумани, Зилха қишлоғидаги 630 ўринли 17-сонли мактаб
9-5	Риштон тумани, Ёйилма қишлоғидаги 200 ўринли 21-сонли мактаб
	ЛОТ-10:
10-1	Марғилон шаҳар, Б.Марғиноний кўчасидаги 280 ўринли 2-сонли мактаб
10-2	Марғилон шаҳар, Б.Марғиноний кўчасидаги 480 ўринли 28-сонли мактаб
10-3	Риштон тумани, Амиробод қишлоғидаги 80 ўринли 62-сонли мактаб
10-4	Сўх тумани, Тул қишлоғидаги 270 ўринли 24-сонли мактаб
10-5	Сўх тумани, Шарқобод қишлоғидаги 240 ўринли 23-сонли мактаб
	ЛОТ-11:
11-1	Олтиариқ тумани, Полосон қишлоғидаги 725 ўринли 13-сонли мактаб
11-2	Олтиариқ тумани, Жанибей қишлоғидаги 200 ўринли 24-сонли мактаб
11-3	Риштон тумани, Бешкапа қишлоғидаги 180 ўринли 61-сонли мактаб
11-4	Риштон тумани, Чек Насриддин қишлоғидаги 210 ўринли 53-сонли мактаб
11-5	Риштон тумани, Турват қишлоғидаги 502 ўринли 13-сонли мактаб

Муддати — 10.08.2009 йил.

Буюртмачи: Фарғона вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

Манзили: *Фарғона шаҳар, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй,* **телефон:** *224-24-33.*

Қурилиш-монтаж ишлари: ***бюджетдан ташқари мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади.***

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича:

Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, (Фарғона вилоят «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси биноси), **телефон:** 224-18-76, **факс:** 224-74-20 мурожаат қилишлари мумкин.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

XORIJDA

АҚШ: ИҚТИСОДИЁТНИ ЭМАС, БАЛКИ...

АҚШ президентлигига номзод Барака Обама ўз рақиби республикачи сенатор Жон Маккейнни молия вазири Генри Полсоннинг мамлакат иқтисодиётини ўнглашга қаратилган режаси бўйича аҳдлашувни бузганликда айблади. AFP хабарига кўра, Обама АҚШ президенти Жорж Буш билан учрашувдан сўнг шундай баёнот билан чиққан, бу учрашувда ҳар иккала номзод ва Американинг бир қатор бошқа нуфузли сиёсатчилари қатнашган. Обаманинг айтишича, муқаддам ҳар иккала партиянинг етакчи конгрессменлари Полсон режасида кўзда тутилган 700 миллиард долларни ажратиш тўғрисидаги дастлабки аҳдлашувга эришган эдилар. Бироқ Маккейннинг Вашингтонга ташрифи буни чиппакка чиқарган.

Сенатор-демократ Кристофер Додд ҳам мамлакатнинг молиявий аҳволини ўнглашга қаратилган режа юзасидан музокараларнинг барбод бўлганлиги учун жавобгарликни Маккейн зиммасига юклади.



— Оқ уйдаги кенгашда ҳеч кимнинг хабари бўлмаган янги таклифларнинг қаердандир пайдо бўлиши ишимизни бузди, — деб таъкидлади Додд. — Шундоқ кўриниб турибдики, республикачилар учрашувда Америка иқтисодиётини эмас, балки Жон Маккейнни қутқаришга уринишди...

ЯНГИ РАҲБАР РЕЖАСИ



Россиянинг Экология, технология ва атом назорати бўйича федерал хизматига янги раҳбар этиб Николай Кутьин тайинланди. «Российская газета»нинг хабарига кўра, 43 ёшли Кутьин мазкур идорада 2004 йилдан буён ишлаб келади. Бунга қадар эса Россия давлат мулки қўмитаси бошқармаси бошлиғининг ўринбосари бўлган. Николай Кутьин янги лавозимдаги дастлабки қадамини ташкилотдаги коррупцияга қарши кураш режасини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруқни имзолашдан бошлади. Ушбу режада идоранинг ўзида қатор текширувларни ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

БУЮК БРИТАНИЯ: ҲАВО ҚАТНОВЛАРИ ТИКЛАНДИ



Свонвикдаги марказий авиадиспетчерлик бюроси компьютер тизимидаги носозликлар бартараф этилгач, мамлакатда ҳаво қатновлари тикланган. Шундай бўлса-да, айрим қатновларнинг кечиктирилиши ҳамон рўй бераяпти. Маълумки, катта баландликда парвоз этаётган самолётларни назорат этувчи компьютер тизимидаги носозликлар мамлакатнинг қатор аэропортларида қатновларнинг кечиктирилишига олиб келганди.


ПОКИСТОН: НАТО ВЕРТОЛЁТИ ЎҚҚА ТУТИЛДИ



Афғонистондаги хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш бўйича НАТОнинг халқаро кучларига тегишли вертолёт Покистон — Афғонистон чегарасидаги блокпостда жойлашган Покистон ҳарбийлари томонидан ўқ тутилган, деб хабар беради BBC News. ISAF қўмондонлигида қайд этилишича, вертолёт Покистон ҳаво чегарасини кесиб ўтмаган ва Афғонистоннинг Хост вилоятида бўлган, Пентагон рўй берган воқеани «қайғули тушунмовчилик» деб атади. Маълумки, Покистон армияси қўмондонлиги берухсат чегарани кесиб ўтадиган АҚШ ва НАТО вертолётларига қарата ўт отишга буйруқ берган.

ОБ-ҲАВОНИНГ ЁМОНЛИГИ БОИС

Швейцариялик собиқ ҳарбий учувчи Ив Росси реактив двигателли қўлбола қанотларда Ла-Манш бўғози узра мўлжаллаган парвозини қолдиришга қарор



қилди. Бунга сабаб, ноқулай об-ҳаво шароитлари бўлган. Ҳолбуки, Франс Пресс агентлигининг эслатишича, чоршанба куни об-ҳавонинг ёмонлигига қарамай Росси Франциянинг Кале шаҳридан Англиянинг Дувр шаҳрига парвозни бажарган. Росси реактив двигателли қўлбола қанотлардаги илк парвозини май ойида амалга ошириб, Альп тоғларидан 2300 метр баландликда учиб ўтганди.

ҚАНД КАСАЛИНИНГ ДАВОСИ ТОПИЛДИ

Олимлар ёғ тўқималарини қон томир деворларидан ажратиш усулини кашф этиб, диабет ва семириш касаллигига даво топишди, деб ёзади Science журнали.

Техас тиббиёт университети олимлари сичқон танасида бошқа турдаги тўқимага айлантирса бўладиган ёғ тўқималарини топишга муваффақ бўлишди. Мазкур тўқималар қон томирлари ва ёғ қавати ўртасида жойлашган. Тажрибалар бошқа ёғ тўқималари парчаланиб йўқ бўлиб кетса ҳам, томирлар деворини қоплаб турувчи ёғ қавати қалинлашишини кўрсатган.



✓ Истиқлол имкониятлари

ҚАЙТА ЧИРОЙ ОЧГАН МАКТАБ

Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида республика бўйича жами мактабларнинг 87 фоиз биноси муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тубдан янгиланиши ва капитал реконструкция қилиниши кўзда тутилган. Жумладан, дастур қабул қилингандан сўнг ўтган йиллар ичида 4669 та умумтаълим мактабида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шундан 205 та мактаб янгидан барпо этилди. 2008 йилда эса 1875 та, шу жумладан, 70 та мактаб янги қурилди, 583 тасида капитал реконструкция ишлари амалга оширилди. 792 та ўқув даргоҳи капитал, 430 таси жорий таъмирланди.

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманида жойлашган 26-умумтаълим мактаби биноси ҳам капитал-реконструкциядан сўнг таниб бўлмас даражада ўзгарди. Эски синфхоналар ўрнини замонавийлари эгаллади. Пастқам, қоронғи хоналар бутунлай қайтадан чирой очди. Кимё, биология, физика хоналари тўлиқ лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. Спорт ва фаоллар зали, лингафон хонаси, компьютер синфига кирган киши бу ердаги энг замонавий талаблар асосидаги шароитларни кўриб, ҳайратга тушиши табиий.

— Кўриб турганингиздек, янги ўқув йилини янги бинода бошладик, — дейди мактаб директори Шоира Ибрагимова. — Гўёки, мактабимиз кўчага қараб, кулиб турганга ўхшайди. Педагогик жамоамизнинг, ўқувчиларимизнинг кўп йиллик орзулари ушалиб, Мустақиллигимизнинг 17 йиллик айёми кунларида шундай мухташам бинога эга бўлишимиз бизни чексиз қувонтириб юборди. Бу рағбат, ўз ўрнида, бизга янаям катта масъулият юклайди.

— Мактабимиз илгари 710 ўринли бўлса, бугун 900 нафар ўқувчини ўз бағрига сиғдира олади, — дейди бошланғич синф ўқитувчиси Марҳабо Азимова. — Бу йил 90 нафар ўқувчи 1-синфга қабул қилинди. Уларнинг кўзларидаги қувонч, ҳаяжонни айтмайсизми! Ота-оналар мактабимизга фарзандларини ҳар куни ўзгача бир ҳавас билан олиб келишади.

Жасур ҲУСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 26-ўрта мактаб ҳаётидан лавҳалар.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.





ЯНГИ СПОРТ МАСКАНИ

Тошкент тумани «Ҳасанбой» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 13-ўрта мактабда замонавий спорт мажмуи қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент вилояти филиали кўмагида барпо этилган янги мажмуада ўқувчилар спортнинг йигирмага яқин тури билан мунтазам шуғулланишлари мумкин.

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни арафасида янги спорт масканида қизиқарли спорт беллашувлари ўтказилди. Унда қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги мактаблар ва маҳалла жамоалари иштирок этди. Улар спортнинг баскетбол, стол тенниси, мини футбол турлари бўйича ўзаро куч синашди.

Л.СУВОНОВ, ЎзА мухбири

✓ Китоб жавонингизга

ВАТАН УЛУҒЛАНГАН АСАР

«Ҳар бир одам болалигидан ўз халқининг вакили бўлиш учун дунёга келганини билиши ва шу вазифани зиммасига олишга ўзини тайёрлаши керак». Бу даъват мумтоз шоир Расул Ҳамзатовнинг «Менинг Дағистоним» китоби меҳваридир.



Улуғ авар шоири Расул Ҳамзатовнинг илк насрий асари ҳисобланган «Менинг Дағистоним» китоби 1967 йилда дунё юзини кўрган. Ҳаётий воқеа-ҳодисаларга ва ибратли ҳикмат-хулосаларга бой, ҳаётга, Ватанга, халққа, миллий ва умуминсоний қадриятларга муҳаббат руҳи йўғрилган бу китобнинг овозаси бир зумда оламга ёйилган, кўплаб тилларга таржима қилинган.

Шоир таъкидлаганидай: «Одамзоднинг умри чегараланган. У жуда қисқа, лекин орзулари чегара билмайди. Мен шу кунда яшаяпман, орзуларим эса бир неча йиллар илгари кетган. Орзулар одамзод умр риштаси узиладиган чегарадан ҳам ўтиб кетади ва асрлар оша учаверади». Шукурки, шоирнинг комил инсон орзусини мужассам этган бу китоб йиллар оша ўзбек китобхонлари қўлига она тилимизга ўгирилган ҳолда етиб келди.

«Биз Ватанни танламаймиз, чунки Ватан бизни аллақачон танлаб бўлган». Адиб ўз Ватани ҳақида меҳр билан ҳикоя қилар экан, мен қаерда бўлмай, Дағистоним ҳақида ўйлайман, дейди ва сиз ҳам беихтиёр китоб воқеаларидан узилмаган ҳолда, Ўзбекистонимиз ҳақида ўйлай бошлайсиз. Муаллиф болалиги, ота-онаси ва яқинлари билан кечган қизиқарли воқеаларни эслаганда, сизнинг кўз олдингизда болалигингиз, ота-онангиз ва яқинларингиз гавдаланади. Шоир ҳар бир одам болалигидан ўз халқининг вакили бўлиш учун дунёга келгани, буни англаб етиши лозимлиги ҳақида фикр юритганида, сиз беихтиёр ўзингизга: «Мен Ўзбекистонимиз учун нима иш қилдим, халқимизга муносиб фарзанд бўлдимми?» — дея савол берасиз.

Дарҳақиқат, китобнинг муваффақияти ҳам шунда. Ўқувчи китоб воқеалари билан ҳамнафас яшайди. Шоирнинг ўз ўрнида киритган пурмаъно шеърларини ўқиганда, чуқур ўйга толади.

Сўз янграган
яралмай олам,
Шундай дерлар
келтириб иймон.
У қандай сўз:
тавбами, қасам?
У қандай сўз:
ўтинчми, фармон?
Емирилиб бормоқда олам,
Демак,
бир сўз керак бегумон.
Унда бўлсин тавба ва қасам,
Унда бўлсин ўтинч ва
фармон.

Айниқса, шоир ўзи адабиётга олиб кирган ёзувлар жанридан китобда унумли фойдаланган. Унинг бешикларга, эшикларга, кўзаларга, ханжарларга, тошларга, қўнғироқларга битилган ёзувлари кишини фикр-мушоҳадага ундайди. Сиз унинг биргина «Кўзадаги ёзувлар»ини ўқишингиз билан бунга амин бўласиз.

Оддий гилдан ясалади
энг гўзал кўза,
Оддий сўздан яралади
шеърий мўъжиза.

Шабнамда қуёш акс этгандек, оддийликда буюклик намоён, деб бежиз айтишмайди. Китобда кунда, кунора эшитиб турадиган ҳикоятлар, воқеалар ҳам талайгина. Лекин улар адиб томонидан асар руҳига ажойиб тарзда сингдирилганки, ўқиётган пайтингизда янги кашфиётга дуч келгандай мафтун бўлиб қоласиз. Халқ оғзаки ижодига, муаллиф закосига тан берасиз.

Бошқа тиллардан таржима қилинган шундай асарлар борки, уларни китобхонларимиз худди ўзимизнинг асарлардай севиб ўқишади. Эндиликда бу китобларсиз адабиётимизни тасаввур қилиб бўлмайди. Ишончимиз комил, жаҳон адабиётининг юксак намуналаридан бири бўлган «Менинг Дағистоним» асари китобхон халқимизнинг севимли адабий мулкига айланади.

Ушбу китобни шоир Асрор Мўмин ўзбекчага ўгирган. Қўлёзма Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти томонидан нашрга тайёрланиб, «Медианашр» масъулияти чекланган жамият босмахонасида чоп қилинган. «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти эса ҳомийлик ёрдамини кўрсатган.

А.БЕК.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ҚУРИШ РЕСПУБЛИКА ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Объектлар номи:

1. Фарғона вилояти, Сўх тумани, Равон қишлоғидаги 495/100 ўқувчи ўринли академик лицей қурилиши, (калити билан).

2. Фарғона вилояти, Риштон туманидаги 795/100 ўқувчи ўринли академик лицей қурилиши, (калити билан).

Қурилиш муддати — 1 июль 2009 йил.

Буюртмачи: Академик лицейлар қуриш республика инжиниринг компанияси

Манзили: Тошкент шаҳар, Саидова кўчаси, 76-уй, телефон: (371) 227-11-84; 227-18-79

Қурилиш-монтаж ишлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқга эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-74-20, 224-18-76.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очиқ танлов савдоларини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Наманган вилояти, Наманган шаҳар Гўзал массивидаги 585/100 ўқувчи ўринли «Тиббиёт» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.

2. Наманган вилояти, Чуст тумани Варзиқ ҚФЙдаги 615 ўқувчи ўринли «Ахборот технологиялари ва сервис» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.

Қурилишни якунлаш муддати — 2009 йил 1 август.

***Буюртмачи:** Наманган шаҳри, А.Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.*

Телефон: (8-3692) 26-22-60, 33-77-06.

Қурилиш ишлари Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компаниясига ажратилган давлат маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилишлари мумкин.

Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60000 сўм.


Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй.

ҲУШЁР БЎЛИНГ, АЗИЗ ОДАМЛАР !

МЎМАЙ ПУЛ ТОПАМАН ДЕБ, ҚУЛЛИККА ТУШИБ ҚОЛМА !



Мурожаат учун телефонлар:
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлари вазирлиги
(371)233-22-33



Мурожаат учун телефонлар:
Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
(371)239-43-88

ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯСИ

Электрон сув ўлчагичлари сотувчи ва қурилиш ишлари билан шуғулланувчи барча ташкилот ва корхоналар диққатига!

ТАШКИЛОТ ҚУЙИДАГИЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН КИЛАДИ

- **СВТУ — 10 м2 русумдаги электрон иссиқ сув ўлчагичларини сотиб олиш ва ўрнатиш.**
- **Кўча эшиги устидаги айвонни таъмирлаш.**

Танлов бўйича таклифлар 2008 йил 5 октябргача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони 5/3.

Тел: 239-18-49, факс: 239-13-20.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Tat`yana KISTANOVA
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi:
Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi:
Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 849
8129 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.15
Topshirilgan vaqti — 22.15
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda